# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

39 сон

29 сентябр, — 5 октябр, 2005 йил


## 1 ОКТЯБР — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

***Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиммати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси бу — ўқитувчилик касбидир.***

**Ислом КАРИМОВ.**

## ЎҚИТУВЧИЛАР СУЛОЛАСИ

***- Мени муаллима бўлишга қизиқтирган аввало онам Турсуной Юнусова (ўнгда) билан аммам Жамила Ҳамроқулова бўладилар, - дейди Муяссар Юнусова.***

***Касб таълими ўқитувчиси Барно Анорқулова болаларни энг аввало гўзалликни севишга ўргатади.***

***Опа-сингиллар, келинлар йиғилганда суҳбат ўз-ўзидан болаларга, ўқитишнинг самарали усулларига бориб тақалади.***

***- Байрамни паловсиз тасаввур қилиб бўладими, - дейди Марҳабохон.***

***Оиланинг учинчи авлоди вакили - Муаттар ҳам ўқитувчилик йўлини танлади. У 1-Тошкент педагогика коллежи талабаси.***

***Устозлар байрами билан набиралар энг аввало бувижонларини табриклашди.***

- Бизнинг оиламизда сабр деган сўз кўп ишлатилади,- дейди Барно. - Айниқса, онам ҳар қандай ишни бажаришда сабрли бўлиш кераклигини такрорлаб турадилар...

Нигоҳлари ҳамиша сокин, ўйчан боқувчи Турсуной опа Юсупованинг ҳаёти мисоли сабрдан қурилган иморатга ўхшайди. Ўтган асрнинг 60-йилидан бошланган муаллималик фаолияти, тўққиз фарзандни тарбиялаш, улғайтириш, қишлоқ хонадонини четлаб ўтмайдиган пилла қурти боқиш мавсуми, мол-ҳол, ҳар куни катта тандирда нон ёпишу кенг ҳовлига тортилган дорларни тўлдириб кир ювиш...

- Уй юмушларининг ўзи етарли, ишга бормай қўя қолсангиз-чи, - дерди турмуш ўртоғи Абдулла Юнусов.

Лекин Турсуной тишини тишига босарди, қийинчилик ҳақида оғиз очмасди. Сабаби - ўқитувчилик касбини жуда яхши кўрарди. Айниқса, ўзи танлаган соҳа - бошланғич синф ўқувчиларининг саводини чиқариш, мактаб остонасига энди-гина қадам қўйган болажонларни илм дунёсига бошлаб киришни энг савобли, шарафли иш деб биларди.

- Айрим ўқитувчилар синф танлайди, ўқувчиларни саралаб олишга ҳаракат қилади, - дейди Турсуной опанинг ҳамкасби Ҳанифахон Ҳайдарова. - Лекин Турсуной опа ҳеч қачон бола танламасдилар.

Турсуной Юнусова 33 йил давомида Янгийўлдаги мактабларда ўқитувчилик қилди. Ундан илк бора "Алифбе" сабоқларини олганлар ҳар куни, ҳамма жойда учрайдилар, саломга, миннатдорчилик билан дил каломини айтишга устозга пешвоз шошиладилар.

Муаллиманинг сабр, ўз касбига меҳр-муҳаббат билан қилган меҳнатларининг яна бир ширин меваси - бешала қизи ҳам опанинг ҳаёт йўлига ҳавас қўйдилар, тарбиячиликни, муаллималикни танладилар. Ўғиллар танлаган келинлар Одинахон ва Камолахонлар ҳам шу шарафли, масъулиятли соҳанинг жонкуярлари. Ўғил-қизларнинг ҳаммаси оилада тиниб-тинчиган.

Ота-она учун бундан ортиқроқ бахт борми?

**М.УЛУҒОВА**

## ҲАЁТНИ СЕВИБ ЯШАНГ!

- Асли ғиждувонликмиз, - ҳикоя қилади Зарафшон шаҳар Ибн Сино номли мактаб ўқитувчиси Насибахон Мирзаева. - Дадам (раҳматли)ни Қодир Мирзо дейишарди. Улар ҳам она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлганлари боис биз фарзандлар зиёли бўлишимиз учун барча имкониятни яратганлар. "Маърифатли инсондан ёмонлик чиқмайди", дердилар дадам. Отамерос касбни Моҳитобон опам билан мен эгалладим. Турмуш ўртоғим Миржон ака касбимни жуда ҳурмат қиладилар.

Камтарин хизматларим туфайли "Шуҳрат" медали, "Халқ маорифи аълочиси", унвонларига муносиб кўрилдим. Бир неча марта "Энг яхши маънавият ўқитувчиси" кўрик-танловлари ғолиби бўлиб, республика миқёсида 2-ўринни олдим.

Йиллар менга бир ҳикматни англатди: фарзандни энг аввало ота-она, яқинларининг ибрати, ўгитлари шакллантираркан, кейинги тарбия эса "пардоз" ролини ўтаркан. Шу боис ўз фарзандларим (2 қиз, 2 ўғлим)га ҳам жуда талабчанмиз.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

Қўқон шаҳридаги 22-сон боғча-гимназия директори, I-Даражали "Соғлом авлод" ордени соҳибаси Мамлакатхон Содиқова 40 йилдан бери мураббийлик, устозлик касбини улуғлаб келмоқда. Мазкур боғча-гимназия республикамиздаги энг намунали ўқув-тарбия масканларидан бири саналади. Бу ерга болалар 2 ёшдан бошлаб қабул қилиниб, 4 синфни битиргунча — болажонларимиз даврмизнинг етук кишилари бўлиб етишсинлар, кўп-кўп йиллардан сўнг ҳам бизни миннатдорлик билан эсласинлар. Биз эса тарбияланувчиларимизнинг ҳар бири ҳаётидаги муваффақиятларидан қувониб юрайлик, - дейди Мамлакатхон Содиқова.

## КАСБИМИЗ ФАХР-ИФТИХОРЛИ

ўқитилади. Болаларга рус тили, инглиз, араб тиллари, ҳуқуқ ва иқтисод фанлари, компьютер сабоқлари чуқур ўргатилади. Болалар боғча ёшиданоқ спортнинг каратэ тури билан мунтазам шуғуллана бошлайдилар. Боғча-гимназия бағрида жисман, маънан, руҳан бойиган, чиниққан болалар кейинчалик Қўқондаги 40-сон олимпия заҳираларидан, 32-сон физика-математика мактаблари ўқувчилари сафига бориб қўшиладилар.

- Таълим-тарбия даргоҳимизда 55 нафар педагог-тарбиячилар бор билиму тажрибаларини сарфлаб, меҳнат қилмоқдалар. Муяссар Абдуллаева, Дурдона Қосимова, Маҳмуда Зокирова каби фидоий ўқитувчиларимиз билан фахрланамиз. Мақсад-муддаомиз

**САИДА**

# МЕҲНАТ ЁШАРТИРАР...

Аёллар ҳақида ҳикоялар

Охангарон туман «Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси, "Гулчеҳра" фермер хўжалиги раҳбари Гулчеҳра Пўлатова билан замонавий аёл масъулияти ҳақида суҳбатлашдик.

**- Гулчеҳра опа, келинг, ҳаётингизнинг аввал боши қандай кечганлигидан суҳбатимизни бошласак?**

- Ҳали мактаб давридаёқ ўзимга-ўзим сўз бергандим: «Мен жамиятда илғор аёллар сафидан ўрин оламан. Аёллар меҳнатини енгиллатиш учун ҳаракат қиламан. Инсонларга керак бўлиш учун интилиб яшайман". Чирчиқдаги касб-ҳунар билим юртида ўқидим. Сўнг "Ғунча" тикувчилик фабрикасида оддий тикувчи бўлиб иш бошладим. Аввал устага ёрдамчи, кейин уста, ундан кейин эса жамоа бошлиғи ва астасекин мустақил иш юритишни бошладим.

Ўзим туғилиб ўсган Қорақир қишлоғида илк бор 35 нафар қиз-жувонлардан иборат кичкинагина тикувчилик цехи ташкил этдим. Ўзимиз тиккан кийим-кечакларни арзон нархларда сотувини ташкил этдим. Шундан сўнг эса, меҳнатлар самараси ўлароқ "Гулчеҳра" тикувчилик корхонаси бунёд бўлди.

**- Корхонада асосан қандай маҳсулотлар тайёрланди?**

- Биз тиккан либослар аёллар кўйлаклари, никоҳ либослари, эркаклар костюмлари, ўқувчиларнинг турли мавсумий либосларидан иборат бўлди. Маҳсулотларимиз сифатига бўлган юқори талаб натижасида нафақат Тошкент балки, қўшни республикалардан ҳам харидорлар кела бошладилар. Натижада, аёлларимизнинг нозик қўллари билан яратилаётган замонавий русумдаги либослар пойтахтимиздагина эмас, балки Россия шаҳарларидаги турли хил кўргазмаларда совринли ўринларни олишга муваффақ бўлди.

**- Ютуқларингиз гарови нимада деб биласиз?**

- Бунинг сабаби оддий. Корхона бир аҳил оила. Ишчиларнинг аксарияти аёллар бўлгани боис ҳам аёлнинг нозик кўнглини ҳар доим тушунишга ҳаракат қиламан. Уларнинг яхши, ёмон кунида доим мўнида бўлишга интиламан. Оиласи ташвиши менинг ҳам ташвишим бўлади. Улар мени ўзларига сирдош деб биладилар ва ҳаммадан яширган сирларини ҳам мен билан баҳам кўрадилар. Шунинг учундир, балки аёллар ишхонадаги хотиржамлик, кўнгилдошлик, кайфият боис касбига нисбатан хайрихоҳ садоқат ила хизмат вазифасини бажаради.

**- Тумандаги «Тадбиркор аёл" уюшмасининг фаолиятини қандай баҳолайсиз?**

- Бу ҳақда сўз айтиш мен учун масъулиятли. Баҳоли қудрат туманда тадбиркорликни ривожлантириш борасида тадбиркор аёллар ва энди тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган аёллар учун ўқув семинарлари ташкил этганмиз. Тадбиркорлик сохасида малакасини оширган аёлларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаган ҳолда ижобий натижаларга эришмоқдалар. Яна шуниси қувонарлики, уюшма қошида иш билан банд бўлмаган ва тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган хотин-қизларимизга имтиёзли кредитлар беришни йўлга қўйганмиз. Шу кунгача тадбиркорлик билан шуғулланаётган 100 дан ортиқ тадбиркор аёлларга 100 минг сўмдан бошлаб 2,5 миллион сўмгача нақд пулда кредит маблағлари беришга эришдик. Бунинг натижасида эса янги иш ўринлари ташкил этилиб, 250 нафардан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминландилар.

**- Аҳолига яна қандай қулайликлар яратилмоқда?**

- "Тадбиркор аёл" уюшмаси қошида уч ойлик компьютер саводхонлиги ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, юздан зиёд ўқувчилар компьютер саводхонлигини эгалладилар. Уларнинг жуда кўпчилиги бугунги кунда тумандаги турли тармоқларда фаолият юритмоқдалар. Шунингдек, ишсиз аёллар учун уй меҳнати шароитида бичиш-тикиш, кўрпа-тўшак тикиш, зардўзлик, сават тўқиш, кулолчилик каби ишларни ташкил этганмиз.

Чексиз орзу-умидлари рўёбини меҳнатдан топаётган Гулчеҳра Пўлатовага бахту омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Феруза ОРИПОВА**

# ДАВР ТАЛАБИ АСОСИДА

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталари раислари учун ўқувлар ташкил этилди.

- Туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисларини ўқитиш курслари 44 соатга мўлжалланган, - дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўрин босари Гулнора Маърупова. - Амалий семинар ва давра суҳбатларини Ўзбекистон Президенти Девони, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вакиллари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор ўқитувчилари олиб бормоқдалар. Машғулотларда ҳукуматимизнинг хотин-қизлар масалаларига доир сиёсати, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, диний мутаассиблик - жамият хавфсизлигига таҳдид ва ундан хотин-қизларни ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш масалалар бўйича маърузалар қилинади. Ўқув машғулотлари якунида тингловчилар билан махсус тест ҳам ўтказилади, сертификатлар топширилади.

*Суратда: (чапдан) Ҳадича Ибодуллаева (Тўрткўл тумани), Хонимжон Ражабова (Амударё тумани), Пошшахон Қодирова (Беруний тумани).*

*Дурдона Рамазонова (Янгибозор тумани).*

*Сорабиби МАТЁҚУБОВА (Қўшкўпир тумани).*

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

# БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча кераклн шарт-шароитлар яратиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Динамо спорт клубида бу борада қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқдир.

Айни пайтда ушбу спорт жамиятида футболга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Спортнинг якка кураш турларида Динамо жамоаси мамлакат терма жамоаси асосини ташкил этарди. Улар орасида нафақат Ўзбекистон, балки бошқа қитъа ва жаҳон чемпионлари ҳамда олимпиа ўйинлари ғолиблари ҳам етишиб чиққан эди. Лекин, ушбу клубда кейинги йилларда футбол унчалик ривожланмади. Чунки клубда футболга бўлган эътибор анча сусайиб қолди. Шу сабабли ҳам мамлакат терма жамоаларида Динамо спорт жамиятида камол топган бирорта ҳам футболчини учратмаймиз. Бу ҳолат жамият раҳбарларини бефарқ қолдирмади. Натижада, ушбу спорт жамияти қошида Динамо посбон профессионал футбол клубига асос солинди. Клубни ташкил этишдан асосий мақсад, ёш футболчиларни терма жамоа базасига тайёрлашдан иборат. Айни пайтда, Динамо посбон клубига танлов асосида 1993-94-95 ва 96 йилларда туғилган болалар таклиф этилиб, улар махсус танлов асосида белгиланган режага кўра танлаб олиняпти.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"**

# "ИФФАТЛИ КЕЛИН" САБОҚЛАРИ

***Шаҳрисабзлик ишбилармон Баҳодир Аликулов Тошкентдаги "Иффатли келин" ўқув маркази билан ҳамкорликда туманда мазкур марказнинг филиалини очишган эди.***

Бугунги кунда бу ерда ҳунар ўрганишга қизиққан юзлаб хотин-қизлар келажакда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳамда оила бюджетини юксалтириш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларини ўзлаштиришмоқда. Ҳунарга қизиқувчилар ўнта йўналиш бўйича ўқув курсларидан сабоқ оладилар. Хотин-қизлар бичиш-тикиш, костюм-шимлар, ҳамда элита пардалари тикиш, мунчоқ билан безаш, европача услубда соч турмаклаш, маникюр, педикюр ва турли халқларнинг миллий таомларини тайёрлаш сир-асрорларини ўрганишмоқда. Ҳунар ўрганувчиларга дастлабки сабоқни пойтахтдаги "Иффатли келин" ўқув марказидан келган малакали ва тажрибали мутахассислар ўргатишди. "Иффатли келин" ўқув марказининг дастурида ёшларга нафақат касб ўргатиш, балки уларга ўзбекона муомала маданияти, оила эстетикасидан ҳам сабоқ бериш кўзда тутилган.

**Маҳбуба ОДИЛОВА, "Туркистон-прес"**

# САЛОМАТЛИК — БОЙЛИК

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси кам таъминланган оилалар, ижтимоий муҳофазага муҳтож аёлларга ёрдам бериш, ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни соғломлаштириш борасида кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Латвия Республикаси элчихонаси билан келишилган ҳолда Республика ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Латвиядаги элчихонаси кўмагида Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳридан турли касалликларга чалинган 12 нафар болалар ва оналар Латвиянинг "Яункемери" реабилитацион марказига юборилдилар. Улар 12 кун давомида ўз саломатликларини тиклаб қайтадилар.

**Х.ЗОКИРОВА**

**Ишдан қайтаяпман. "Маршрутка"нинг орқа ўриндиғида ўтирганча хаёлга берилибман. Ҳайдовчининг бирдан жиғибийрон бўлиб бақирганидан чўчиб тушдим: «Қанақа одамсиз ахир, наҳотки шунча гап қулоғингизга кирмаган бўлса?! Ёки кармисиз? Ана пешонангизга ёзиб ҳам қўйилган: "Эшикни секинроқ ёпинг", деб...»**

# "Илтимос, эшикни секинроқ ёпинг"

Йўловчи нимадир деб ғулдиради-да, беписанд ўз йўлига қараб кетди. Бундан ҳайдовчининг бадтар хуноби ошди: "Ҳе, сани тарбия қилган..." Бироқ, то манзилга етгунча, эшикни қарсиллатиб ёпиш ҳоллари бир неча бора такрорланди. Яна ўша манзара: ҳайдовчи жиғибийрон, йўловчилар тумтайган... Энг охирида мен тушар эканман, микроавтобусда ўзим қолдим. Ноқулай вазиятдан чиқиш учун ҳайдовчига гап қотдим:

— Амаки, машина қайси давлатда ишлаб чиқарилган?

— "Россияда",- жавобини олгач, «Сифати яхши эмас эканми, эшиклари...», гапим оғзимда қолди. Ҳайдовчи гапимни бўлиб, кўнглидагиларни тўкиб сола бошлади:

— Микроавтобус яхши ишланган. Ҳамма айб ўзимизда... Мана шу йўналишда қатнайдиган автомобилларга одамлар кунига камида икки маротаба чиқади... Наҳотки, улар шу оддий ҳолатни, яъни эшикни эҳтиётлаб ёпиш кераклигини билмаса?! Қари одамни ҳадеб бақиртираверишга озгина уялишса бўларди. Эшикни бунақа қўполлик билан очиб-ёпаверса, ҳар қандай зўр машинанинг ҳам шалоғи чиқади. Ҳозирги шароитни бўлса, ўзингиз кўриб турибсиз...

Амакининг куюниб гапираётган гапларини жимгина тингладим. Дарҳақиқат, ҳайдовчи ҳақ эди. Рост-да, ҳайдовчи —олтмишларни қоралаган отахон—ҳар бекатда мудом бир гапни такрорлайди: "Ҳой, мусулмон, эшикни секинроқ ёп!..." Боз устига яна худди шу гапни илтимос оҳангида катта ҳарфларда ёзиб, ойнакка ёпиштириб қўйган. Шунга қарамай ҳар манзилда мана шу гапларни такрорлашга мажбур. Қарабсизки, асаббузарлик, дилсиёҳлик... Аслида-ку, ортиқча ғавғога кимнинг тоқати бор?! Ҳаммамиз ҳам пешона теримиз билан топган жиҳозларимизни кўз қорачиғимиздай асраб, иложи борича авайлаб ишлатишга ҳаракат қиламиз. Тасаввур қилинг: агар бирор киши эшигингизни сал қаттиқроқ ёпса, "раҳмат" дейсизми?

Кимдир, битта машинанинг эшиги бузилса бузилибди-да, дейиши мумкин. Бироқ, ўша нарса бир инсоннинг пешона тери билан топган мулки, рўзғорини тебратиб турган бўлса-чи?! Ўзганинг мулкини худди ўзимизникидек авайлаш, агарда у коримизга яраса, унинг соҳибига озроқ ҳурмат билан қараш оддий одобнинг оддий кўриниши эмасми? Шу ўринда бир гап. Яҳудий касал бўлмасдан олдин дўхтирга учрар экан. Ўрислар касаллик бошланиши билан ҳаракатга тушар экан. Ўзбек эса касаллик ўтиб кетганидан кейингина соғлиғига эътибор берар эканлар. Гарчи бу сўзларда андак киноя бўлсада, унда ҳақиқат учқунлари ҳам йўқ эмас. Мазкур мисолдан мақсад, аввало ўзимизни ҳурмат қилайлик. Ўзини ҳурмат қилмаган одам ўзгаларга оқибат кўрсата олмайди. Оддий ҳайдовчининг, ҳар куни узоғимизни яқин қилаётган инсоннинг лаҳза сайин асаби ўйнашининг туб сабаби—баъзиларнинг ўзларини ҳурмат қилмасликларига бориб тақалади. Агар ўзаро ҳурмат, муомала-муносабат маданияти яхши бўлганда ҳайдовчи жиғибийрон бўлмас, ўзимизнинг ҳам кайфиятимиз чоғ бўлар, эҳтимолки, ҳар куни эҳтиёж сезадиган ўша "маршрутка" ойнасига бошқачароқ ёзув илинган бўларди. Масалан: ишингиз бароридан келсин...

**Назира БОЙМУРОДОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

*Тарбия соати*

# Фарзанд қувончи— олий мукофот

Инсон яшар экан, ажиб бир энтикиш билан ортига, болалигига қайтгиси келади. Болалигидан куч, қувват олади. Баъзан юрагини ширин хотиралар билан бирга ушалмаган орзулар, армонлар эгаллайди. Фарзандларимизда келажакда ҳеч қандай армон бўлмаслиги учун бугун нималарга эътибор беришимиз лозим? Бунинг учун аввало уларни дадил фикрлашга, эзгуликка бой бўлишга ўргатишимиз керак. Фарзандларимиз қўрқмас, журъатли бўлиб вояга етишлари лозим. Бундай дейишимга сабаб, баъзан журъатсизлик қилиб айтилмаган бир оғиз сўз, амалга ошмай қолган бирор фаолият кўнгилда армон тугуни бўлиб қолади...

Кунларнинг бирида фарзандларимни шаҳар бўйлаб сайр қилдириб юрган эдим. Йўлда бир қариндошимни учратдим. У мени кўргандан ғоятда хурсанд бўлиб, уникига бирров бўлса олмаган муҳаббати ўрнини тўлдира олмади. Келин бўлмиш яқинимиз, армон тўла юрак билан ўз уйига қайтиб келди. Агар ота-она шу қизга юрагидагини дангал гапиришни ўргатганида бу ҳодиса, бу кўнгилсизлик содир бўлмаслигига аминман.

Баъзан биз—катталар фарзандларимизда армонларни сунъий келтириб чиқарамиз. Бизнинг бойликка, шон-шуҳратга ўчлигимиз уларни имкониятларидан ортиқ даражада орзу қилишга, бекорчи дабдабабозликка умрни сарфлашга олиб келади. Тўхтовсиз улар олдида ҳашаматлар, бойликлар ҳақида гапираверишларини меҳнат қилмай шаҳзодалардек, маликалардек яшашга қизиқтириб қўяди. Натижада улар аввал атрофдагиларни менсимайдилар, сўнгра ўйлаган ниятларига ета олмайдилар (чунки имкониятлари ҳисобга олинмаган) ва охири армонларига ўзгаларни айбдор деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун азизлар, фарзандлар олдида фақат моддий бойлик ҳақида суҳбат бориши улардаги имконият, ҳаракатни чеклаб армон томон етакловчи восита эканлигини англаб етишимиз лозим.

"Эзгуликнинг боши - етимларга, мусофирларга яхшилик қилиш", дейди донишмандлар. Аммо, бирон маротаба ота-онаси тирик етимнинг кўзига боқиб кўрганмисиз?

Ушбу кўзларни фарзандлар армонига қўйилган ҳайкал деса ҳам тўғри келади. Ота-онаси бўла туриб, етимхонада вояга етаётган боланинг армонидан чуқурроқ ҳасрат бўлмаса керак. Унинг учун яратиб берилган барча ҳаётий шарт-шароитлар биргина уйқусиз тунни нари қилолмайди. Қўлида ўртоқлари берган олмани тишлаб, лаблари орасидаги андуҳ, кўзларидан оқаётган ёшларга қоришиб бораётган бола ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Бу ҳолат барча катталарнинг армонидир ахир.

Ҳа, шундай, аҳиллиги бекор бўлган оила мевасидан аччиқ, аламли армон туғилади. Истардимки, бирорта ҳам ноаҳил оила бўлмаса, биронта ҳам тирик етим бўлмаса...

Бунинг учун биз катталар болалар олдида зиҳқор овозимизни кўтармай, ўрни келса ўзаро ранжу аламларга сабр қилиб, йўқлигимизни яшириб, борлигимизни ошириб яшамоқлигимиз шарт. Илло, бу сабримиз, бундай эзгу тафаккур фарзандларимизнинг армонсиз юраклари орқали, қувончга тўлиқ кўзлари орқали мукофотлангусидир. Зеро, энг олий мукофот - фарзанд қувончи.

**Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,**
**Олий тоифали ўқитувчи.**

*Бир ўйлаб кўрсак...*

# Ўғригина бола...

2004 йилнинг октябр ойи эди. Кеч соат еттилар чамаси, укам югурганича уйга кириб келди. "Ҳа, нима гап", деб сўрадим ундан. "Кўчада бир бола бошпана сўраб, йиғлаб ўтирибди. Уйимизда бир кечагина тунаб қолсин", деди. Отам бунга рози бўлмади. Онам ҳам никига ўтиши учун имкон яратдим. Отам кўрмаслиги учун чироқни ўчириб, уйни қулфлаб қўйдим. Ўша бола икки кун туз тотмаганлигини эшитиб, ош бердим. У оддан бир-икки ошам олди холос. Ошхонада идиш-товоқларни ювиб, киргунимча токчада турган радио эшик олдига келиб қолибди. Кечаси ёнадиган сувенир бургутчам эса боланинг қўлида. Дарҳол қўлидан юлиб олдим. Укам билан қўшни хонада ётдик. Тонгга яқин ҳеч кимга сездирмай, уни жўнатдик. Орадан икки кун ўтиб янгилик эшитдим. Эмишки, Деновдан бир бола келган экан. Бир киши уни ўз уйига киритиб-отамнинг юзидан ўтолмай, хўрсинганича қолаверди. Мен кўчага отилиб чиқиб, бола билан суҳбатлашдим. Бола деновлик бўлиб, ўғай отаси урганлиги учун оиласининг маслаҳати билан қочиб, нажот истаб, холасиникига келганлигини, холаси эса уйига сиғдирмай ҳайдаб солганлигини айтди. Азбаройи ачинганимдан қўшинимизнинг ҳовлиси орқали девордан ошиб, бизга ўтиб, ўзимни таништирдим. Кеч соат учда бола ўғирлик қилиб, уй эгасининг қўлига тушибди. Уй эгаси болани роса дўппослабди. Шунда бола дод солиб: "Амаки, қўйворинг, мени отам шу ишга мажбур қилган. Менга гуноҳ йўқ", дебди. Эҳтимол, бу бола бизникида тунаб қолган ўша боладир",- деган гап ярқ этиб хаёлимдан ўтди.

"Қуш уясида кўрганини қилади", дейди халқимиз. Ниҳол эртага қандай ўсиши боғбонга боғлиқ. Баъзи бир ота-оналар ўз нафси ёки йўлида ўз фарзандларини жиноятга бошламаяптиларми? Бунинг оқибати нималарни келтириб чиқармайди, дейсиз. Бунга сизнинг муносабатингиз қандай?

**Моҳира БЎРИЕВА,**
**Термиз шаҳри.**

*Газетхон—газета ва ҳаёт ҳақида*

# Чарчасам...

"Оила ва жамият" газетасини жонимизга оро кирадиган газета деб биламан. Босилаётган мақола, ҳикоя, саломатликка доир маслаҳатлар, "Болалар саҳифаси", сканворд, айниқса "Ташрифларингиз", "Кўнғироқлар" саҳифаларидан мамнунмиз. Чарчасам, дарров шу газетани қўлимга оламан. Чарчоғим ёзилади. Бунинг учун ижодий жамоага раҳмат. Баъзи бир газеталар қўшиқчи, хонандалар қандай машина ҳайдайди, қандай иморат қурди, қандай кийим кийди, қандай тўй беради, деган олди-қочди гаплардан нарига ўтмайди. Ахир газета ҳам газетадек бўлиши керак-ку! Майли, бошқа газеталар нима деб ёзишса ёзишаверсин. Лекин "Оила ва жамият" сен чегарадан чиқма. Оғирроқ бўлганинг яхши. Ахир сени қанчалаб хонадонларда ўқиб, муҳокама қилишади-ку...

Менга "Қайда ўзи ўша бахт?" рукнидаги савобли саҳифа янада ёқади. Майли, шу саҳифа орқали одамлар бир-бирини топиб, бахт излаганлар бахтли бўлишсин.

**Умматхон РАҲИМОВА,**
**Қарши шаҳри.**

# ИККИ ЎТ ОРАСИДАМАН...



- Тахририятга боришга уялганим сабабли қўнғироқ қилаяпман, - дея сўзлади исмини сир тутган овоз соҳибаси.

**- Нега уяласиз, уяладиган бирор гап бўлганми?**

- Ёшим 20 да. Турмушга чиқиш арафасида турибман. Аммо, икки ўт орасида қолдим. Ўқувчилик йилларимда бир йигит билан севишардик. У ҳарбий хизматни ҳам ўтаб келди. Бекзоднинг кўриниши, характери худди орзу қилганимдек. Аммо бир "айби" бадавлат оиладан эмаслигида, ўқимаганлигида. Ҳозир киракашлик қилиб юрибди. Уйимизга неча бор совчи юборди. Аммо отам қайтариб юбораяпди.

**- Бадавлат оиланинг фарзандимисиз?**

- Йўқ, ўртача яшаймиз. Аммо онам мени бой оилага келин бўлишимни хоҳлайди.

**- Онангиз истаган куёв борми?**

- Ҳа, ота-онам қарши қуда бўлиш ниятида.

**- Ота-онага қулоқ солган ҳам яхши, чунки улар фарзандини ёмон жойга беришмайди.**

- Тўғри, аммо менинг ўша ота-онам танлаган йигитни алдашга виждоним йўл қўймаяпти.

**- Кўнглим бировда бўлиб, бошқаси билан яшай олмайман, демоқчимисиз?**

- Йўқ, ота-онамнинг орзуси учун кўнглимдан кечишим мумкин. Аммо мен фақат кўнглимни эмас, ўзимни ҳам ўша севганимга топшириб қўйганман...

**- Буни онангиз биладими? Отангиз-чи?**

- Ахири ноилож қолганимдан онамга бу ҳақда айтдим. Чунки улар мени келинойимнинг укасига беришмоқчи. Лекин, онам барибир аҳдидан қайтмади, "йўлини қилиб" узатармиш.

**- Келинойингиз сизнинг севганингиз борлигини биладими? Ҳозир, тиббий кўрикдан ўтиш шарт. Куни келиб шармисор бўлишингиз, бой оила деб, ота-онангиз иснодга қолиши мумкин.**

- Виждоним қийналганидан келинойимга айтдим. Аммо улар: "Укам жуда босиқ йигит, кўниб яшайверади", деб айтди. Нияти нима эканлигини билмадим.

**- Билмадим, онангиз қандай қилиб "йўлини" қилмоқчи-ю, аммо жуда катта хато қиляпти. Турмуш қургач, оилада гап-сўз, яхши-ёмон кунлар бўлиши табиий. Агар эр тарафингиздан бирортаси билан "сен-мен"га бориб қолсангиз, келинойингиз сизнинг ўтмишингизни фош қилиши турган гап. У ҳолда сизнинг ҳам, акангизнинг ҳам оиласи дарз кетади. Онангиз шуларни ўйлаяптими-лик билан адангизга тушунтирсин. Зора, фойда бериб қолса...**

- Ҳа, яқинда аҳдлашган йигитимнинг амакиси адам билан таниш эканлигини билиб қолдим. Энди шу киши орқали ҳаракат қилсак, бирор иш чиқиб қолар, деган умиддаман.

**- Сингилжон, аслида ўйламай босган қадамингиз, ўзингизни- ўзингиз идора қила олмаганингиз — мана бугун бошингизга, қолаверса оилангизга шунча ташвиш келтириб турибди. Ахир бир умр номингизни булғаб қўйишингиз мумкин эди-ку! Энди эса гуноҳ устига гуноҳ қилмасдан, бир қанча оилага дилхиралик, нотинчлик олиб келмасдан туриб чуқур ўйлаб иш кўринг.**

- Опа, сиз билан суҳбатлашиб, бироз енгил тортдим. Агар севган йигитим билан бахтли бўлиб кетсам, таҳририятга бориб, сиз билан юзма-юз гаплашаман...

**Гўшакни қўйган қизнинг бошига тушган савдоларини эшитиб, бироз ўйланиб қолдим. Газетхонлар! Сиз ҳам ота, она, фарзанд ёхуд келинсиз... Ушбу ҳолатни қандай баҳолаган бўлардингиз? Фикрларингизни кутамиз.**

**Матлуба ШУКУРОВА**

# КЎНГИЛ ҚОЛСА, ҚИЙИН ЭКАН...




**ТАШРИФЛАРИНГИЗ...**

- Ўғил-қизинг жойидан тинмаса қийин экан, синглим, - деди мен билан суҳбатлашаётган ўрта ёшлардаги эркак. Икки фарзандим бор. Қизим ўзидан тинчиб кетган, ўғлим эса...

Ўғлимни орзу-ҳавас билан уйлантиргандик. Бир фарзандли бўлишди. Лекин, ҳозир аҳралиш арафасида...

**- Нега энди, бир фарзандли бўлганда бир-бирига ёқмай қолишдими?**

- Ўғлим хотини билан ёмон яшамаётганди. Орадан анча вақт ўтиб, фарзандли ҳам бўлишди. Лекин, бир куни келинимнинг тутқаноқ касали борлигини билиб қолдик. Шу билан ўғлим, "Энди у билан яшамайман", - деб туриб олди.

**- Касал эканлигини тўйдан олдин билмаганмидинглар? Ахир ҳозир тўйдан олдин ҳар иккала ёш ҳам тиббий кўрикдан ўтишади-ку!**

- Тўғри, бироқ келиним ҳаммадори-дармонларни ўзим олиб келиб яхшилаб даволатардим. Наҳотки ўғлимнинг ҳаёти ҳам меникидек кечса?

**- Келинингизнинг касал эканлиги ҳақида тиббий хужжатларингиз борми?**

- Бор. Илгари ҳамшираликка ўқиган экан. Ўша жойга бориб домлаларидан фалон талаба қиз шу ерда ўқиганди. Мабодо унинг касал эканлигини сезмаганмисизлар? - деб сўрадим. Уни ўқитган ўқитувчилардан биттаси келиним дарс пайтида ҳам бир неча марта тутқаноғи тутиб йиқилиб қолганини айтиб берди. Рўйхатда ҳам турар экан. Бориб маълумотномалар олиб, судга тақдим этдик. Лекин ажрашиш чўзилаяпти.

**- Бирор сабаби борми?**

- Билмадим. Судья эса: "Аризангиздан келинингизнинг камшира эди. Ўзи кириб ҳаммасини тўғрилаб чиққан, ўғлим эса кўчада кутиб турган экан. Вақти-вақти билан касали тутар экану, биз билмас эканмиз-да. Баъзан тўсатдан ота-онасига қўнғироқ қилиб, "Тезда келиб, мени олиб кетинглар",- дер эди. Биз ҳам индамасдик. Бир куни касали хуруж қилиб қолди. Қўлидаги боласи билан йиқилиб тушди. Уни дивангa ётқиздик. "Тез ёрдам" га қўнғироқ қилдик. Унинг оёқ-қўли акашак бўлиб қотиб қолган, оғзидан кўпик келарди. Шифокорнинг уколидан кейин икки соат ухлади. Сўнг яна туриб бемалол ишини қиларди. Лекин шу пайтда хотинининг аҳволини кўрган ўғлим даҳшатдан қотиб қолганди. Шундан сўнг феъли бузилди. Ўзим институтда дарс берганман. Ҳозир эса нафақадаман.

Агар ўшанда ростдан ҳам тиббий кўрикдан тўла ўтишганда, унинг касалини билган бўлардик. Тўй қилиб сарфу-харажатга куймасдик ҳам. Аслида кетган молу дунёмга эмас, ўғлимга, боласига ачинаман.

**- Ярашиб, яшаб кетишининг сира иложи йўқми?**

- Йўқ! Бўлганда ҳам қаршилик қилардим. Чунки ўғлимнинг ўзимга ўхшаб қийналишини асло истамайман.

**- Яъни, бу гапингиз билан хотиним ҳам...**

- Сизга очиғини айтаверамаи. Мен уйланиб, икки болалик бўлганимда хотинимда тутқаноқ касали борлигини билиб қолганман. Аммо, ажралишим қийин эди. Болаларимни сира кўзим қиймаганди. Шунинг учун тақдирга тан бериб яшаб келаверганман. Икки фарзанддан кейин туғиш мумкин эмаслиги учун бошқа фарзанд кўрмадик. Хотинимнинг касалини бировлар билиб қолмаслиги учун саллиги ҳақидаги жумлаларни олиб ташланг, шундан сўнг ажратамиз" деяпти. Нима қилишга ҳам ҳайронмиз, ҳаловатимиз йўқолган.

**- Келинингиз онасиникидами?**

- Ҳа, бошқа илож ҳам йўқ.

- Ўз ҳуқуқини билар экан. Тўғри-да, боласи билан қаерга боради?

- Биз набирамиздан кечмаймиз. Ўз меҳнатларим эвазига олганим, уч хонали уйимга даво қилаяпти-да, келин. Қарз-қавола бўлсак ҳам тепамиздаги бир хонали уйни сотиб олгандик. Шу уйни набирамнинг номига расмийлаштириб бермоқчимиз. Аммо, келинимиз айнан, ўзимиз яшаётган уйга киритиб қўйишимизни талаб қилаяпти. Оворагарчиликлар соғлигимга ҳам таъсир қилиб, анча мазам қочди. Келинимизнинг касали бўлмаганда эди, биз уларнинг ажралишига асло йўл қўймаган бўлардик. Бироқ, на чора!

**Аҳмадали ака дардини айта-айта, сўнг уйига кетди. Чиндан ҳам уларга анча жабр бўлибди. Ахир айнан мана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учунгина тўйдан олдин келинкуёвлар тиббий кўрикдан ўтказилади. Азиз мухлислар! Бу воқеада кимнинг айби кўпроқ деб ўйлайсиз?**

**ГУЛБАШАКАР**

# ЁЛНИНГ ЖОНИ ТОШ ЭМАС...

*Кўнғироқларингиз...*

- Эрим вафотидан кейин қизимни ўйлаб турмушга чиқмадим.

Келин бўлиб тушган уйимда яшайман. Овсинлар, қайнэгачиларнинг майда гапларидан безиб, колхозга ишга кирдим. Раис диёнатли, инсофли одам экан. Иш ҳақимдан ташқари, фатчилик ҳам узилди. Миш-мишлар қўшни қишлоққа ҳам тарқалибди. Раиснинг хотини мени кўрди дегунча юзини терс бурарди. Насибахон мендан эрини бехуда рашк қиляпти. Муносабатларимиз биродарлик, одамийлик даражасида эди. Ўттизимда ўтин бўлишимни хоҳламайди. Умримни шамолга совурғунимча тақдирга тан бериб, турмушга чиқишимни истайди.

**- Юрагингиз нима дейди?**

- Қайниларимнинг қаршилигига қарамай, эримнинг ҳаққи-ҳурмати уйдан кетмайман. Қизимни ҳам вақти келиб шу ердан узатаман. Эримнинг орзуси ҳам шу эди.

**Телефон бирдан узоқ сукунатга чўмди. Суҳбатимиз давомида Ферузахоннинг қалби поклигига ишонгим келди. Лекин, бу борада сизда ҳам фикр туғилгандир, азиз мухлис. Ёзиб юборинг.**

**Адиба УМИРОВА**

оиламга қарашиб турарди. Қайнэгачилар, қайнукаларим 13 ёшли қизим-Гулмирага: "Онанг раис билан айшу ишрат қилиб, акамизнинг руҳини чирқиллатмасин. Бу ердан кетинглар",- деб айтибди. Қизим ҳам уларнинг гапига ишонган кўринади. Мен билан гаплашмай, сирлашмай қўйгани юрагимга оғир ботаяпти. Поклигимни эса қандай исботлашга ҳайронман, дея куюниб телефон қилди наманганлик мухлисамиз Ферузахон.

**- Бу миш-миш сизга яхшилик қилган одамнинг ҳам оиласини бузиши мумкин. Наҳотки, сиз қўл қовуштириб турсангиз?**

- Эрим вафотидан олдин у киши билан оилавий бордикелди қилардик. Ўртадаги ул-гарчилик юзасидан эканлигини тушунишини истардим.

**- Қайнонангиз сизни тушунишга ҳаракат қилмадими?**

- Қайнонам мени бошига кўярди. Ўғлининг вафотидан кейин уй-жой, мол-мулк талашиб ўртамизга совуқчилик тушган. Менга уйланмоқчи бўлиб келган эркакларни билиб-кўриб, тасалли бериш ўрнига: "Ўғлимга пинҳона хиёнат қилиб юргунингизча ҳаққи-ҳалол эрга тегинг. Сиздан рози бўламан",-дейиши юрагимга оғир ботди. Мен-ку бир душман келин эканман, ҳеч бўлмаганда ўғлини ҳурмат қилса яхши бўларди.

**- Ҳаётингизда битта тиргак, суянч бўлмаса ёлғиз қолиб кетишингиз мумкин? Бу ҳақда ўйламадингизми?**

- Уйланиш учун оғиз солганларнинг бирортасига юрагим "жиз" этгани йўқ. Мени ҳозир қизимнинг тақдири ташвишга солаяпти. Ҳозирдан мени тушунишини хоҳламайди.

**- Ота-онангиз қандай фикрда?**

- Ота-онам ҳам мени қийналаётганимни кўриб, юраги эзилади. Ўттизимда ўтин бўлишимни хоҳламайди. Умримни шамолга совурғунимча тақдирга тан бериб, турмушга чиқишимни истайди.

**- Юрагингиз нима дейди?**

- Қайниларимнинг қаршилигига қарамай, эримнинг ҳаққи-ҳурмати уйдан кетмайман. Қизимни ҳам вақти келиб шу ердан узатаман. Эримнинг орзуси ҳам шу эди.

**Телефон бирдан узоқ сукунатга чўмди. Суҳбатимиз давомида Ферузахоннинг қалби поклигига ишонгим келди. Лекин, бу борада сизда ҳам фикр туғилгандир, азиз мухлис. Ёзиб юборинг.**

**Адиба УМИРОВА**

# ГАП - МАЪЛУМОТДА ЭМАС...

Инсоннинг инсонийлиги билим, ақл-фаросат, одамгарчилик билан белгиланади. Лекин, олий маълумотли бўлиш бахтни белгиламаслиги мумкин. Севги, вафо туйғулари олий маълумотли бўлишни, масофани, мансаб, мол-дунёни танламайди. Подшоҳнинг қизи гадонинг ўғлини, гадонинг қизи подшоҳнинг қизини севиб қолиши мумкин. Икки ёш бир-бирини юракдан севса, олий маълумотли бўлиш ёки бўлмасликнинг нима даҳли бор. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида Зафаржон яхши кўрган қизнинг отаси: "Қизимни ёқтирган йигит ўқимаган. Оиласини тебратолмайди",- деб бир томонлама қарор чиқариб хато қилган. Қизи олийгоҳда бирор таг-тугли йигитни севиб, оила қурар деган ўйга борган бўлса ҳам ажаб эмас. Олий маълумотли бўлиб, ўз ишини уддалай олмай ёки ишсиз юрганлар қанча. Буни қизнинг отаси ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди.

*"Куёвимиз ўқимишли бўлиши керак..." -34-сон*

**ЭСЛАТМА: Ўғлим ўқишга кира олмагач, ўзи севган қизга уйлантирмоқчи бўлдик. Лекин қизнинг отаси: "Йигит ўқимишли эмас экан!" - деб рад этди. Нима бўпти, ўғлим ҳунар ўрганиб, банкда ишлаяпти-ку! Насиб бўлса, кейинроқ кирар... Биз ундан жуда хафа бўлдик, ахир ўғлимга ҳам бошқа қиз топилади. Лекин унинг қизи бахтли бўлармикан?**

**Муаллиф: ГУЛБАШАКАР**

**Эргаш АТОЕВ**

Аввалари "тенг-тенги билан..." деган гапни жуда ёмон кўрар, ҳеч ҳазм қилолмасдим. Гўё оддий оила фарзанди ўзига тўқ хонадон фарзанди билан турмуш қуриши мумкинмасдек. Назаримда бу иборани ўша - бойлар тўқиб чиқаришгандек туюларди. Орадан йиллар ўтиб анча-мунча оқу қорани ажрата оладиган бўлганимдан сўнг юқоридаги фикрнинг тўғрилигига амин бўлдим. Тўғри, биз инсонлар буни тан олмаслигимиз мумкин. Аммо, Яратганнинг ўзи барибир инсонни бир-бирига ўхшатиб учратади. Менимча, тақдир бўлмаган бўлса асло куюниш керак эмас. Сарвиноз опага айтмоқчи бўлганим эса, насиб этса ўзингизга мос келин ҳам топасиз, ахир дунёда яхши қизлар кўп-ку. Бошингиздан ўтган гаплар эса Оллоҳнинг бир синовидир балки...

**Дилдора АБДУМУТАЛ қизи, ТошДШИ талабаси.**

Моҳирахоннинг юрак изтироблари битилган мақоласини ўқиб унга сабр-бардош тиладим.

Бизнинг Ўзбекистон тумани, Овчи фуқаролар йиғинига қарашли Тоғай маҳалласида бир оила яшайди. Хонадон бошлиғи Ҳошимжон Рўзматов биринчилардан бўлиб, 1928 йилдан трактордa ер ҳайдаш ишларини бошлаб берган. Ўшанда 19 ёшда эди. Биринчи оиласи Робинисо опа билан 29 йил турмуш қуриб, 5 ўғил, 3 қизли бўлишган. Улар икки ўғил ва бир қизни уйли-жойли қилишди-ю, Робинисо опа вафот этди. 3 ўғил ва 2 қиз ота қўлида қолди. Каттаси 15 ёшда, кичик ўғли 3 ёшда эди. Ҳошимжон ака аввалига фарзандларга қараб юрди. Лекин бир томонда дала ишлари, бир томонда фарзандлар тарбияси... Ҳошимжон ака ўшанда 48 ёшда эди.

*"Она меҳрига зор бўлиб ўтдик" - 13-сон*

**ЭСЛАТМА: Онам вафотидан сўнг, биз 8 фарзандини ўйлаб отам яна уйланди. Аммо, ўгай онамиз отамни бизга қарши қилиб қўйди. Акам алам устида наша чекиб қўйди. Агар аёл бизга озгина меҳр берганида эди... Наҳотки бу қийин бўлса?**

**МОҲИРА, Қарши.**

# ЎГАЙ ЭМАС ЎЗ ОНАМИЗ

"Отанинг боғу чорбоғи билан қолгунча онанинг битта савати билан қолгин", деган нақл рост экан. Ҳошимжон аканинг қийналганини сезган маҳалла аҳли маслаҳатлашиб, эри вафот этган 45 ёшли Шарофатхон опа билан Ҳошимжон акани никоҳлаб қўйишди. Аёл хонадонга келганда катталари бироз ётсираган бўлса-да, кичиклари: "Онамиз!" - деб қучоғига отилишди. Опа ширинсуханлик билан кун сайин болаларни ўзига ғургатиб борарди. Кейинчалик катталари ҳам оналарига ўрганиб кетишди. Улар ўгай оналаридан она меҳрини кўриб, измидан чиқмасдилар. Бирин-кетин элдан кам қилмай қизларини, кейин ўғилларини уйладилар. Шарофатхон опа ҳозир 82 ёшда. Ўғил-қизларининг ардоғида, ҳурмат-иззатида яшаб юрибди. Келинлар ҳам, куёвлар ҳам Шарофатхон опага жуда меҳрибон. 4 та куёв, 4 келин, 30 та невара, эваралар онажониси ҳамда бувижониси бўлиб яшаб келаётган бу опага, бу оилага ҳамманинг ҳаваси келади.

Мана сизга ўгай оналарнинг меҳрибонлиги-ю, яхшилиги! Илоё сизга ҳам инсоф бериб, яхши оналар сафидан ўрин оласиз, деган умиддаман. Соғ бўлинг.

**Паттихон САМАДОВА, Фарғона вилояти.**

# НАФС БАЛОСИ ЁМОН

Аксадо

Ўша аёл пок-ҳалол, андишали, тўғри бўлса, бегона эркак унга: "Сени никоҳимга оламан", деганда, "Менга бу гапни гапирманг. Агар тинч қўймасангиз, бу гапларингизни хотинингизга айтиб бераман", дейиши керак эди. Хотини бу воқеалардан хабар топса, эрини бу йўлдан қайтарган бўлармиди. Жувон охирини ўйламай, нотўғри йўлни танлаган. Беўйлов ҳаракатлари билан бир иноқ-тотув оилани пароканда қилган. Ҳаётда хотини билан дугона бўлиб, эрига тегиб олганлар учраб туради. Мен бир оилани яхши биламан. Эркакнинг хотини оғир бетоблиги сабаб шифохонада анча ётиб даволанади. Хотинининг дугонаси уйишларига ёрдамлашади. Болаларига қарашади. Шифохонадаги дугонасидан хабар олиб туради. Бемор аёл дугонасидан миннатдор бўлиб, қариндош-уруғларига "савоб иш қилаяпти", - деб мақтайди. Лекин аёл шифохонадан тузалиб уйига келса, не кўз билан кўрсинки, эри ундан юз ўгирган. Дугонаси эса эрига тегиб олган эди. Буни кўриб аёлнинг соғлиги баттар оғирлашади. Фарзандларини олиб ота уйига кетади. Дугонаси эса унинг эри билан яшай бошлайди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай дугонаси яна бошқа жазман топиб, эрини ташлаб кетади. Алданган эр хотинсиз қолади. Ноилож бориб хотини ва фарзандларидан кечирим сўради. Хотини болалари келажагини ўйлаб, кечирди. Бузилган оила яна тикланди. Мақоладаги аёл ҳам эрини кечириб, дилбандлари ҳурмати оиласини тиклаган. Таҳририятга қўнғироқ қилган аёл эса оиласи бор эркакни тинч қўйсин. У билан учрашмасин. Ҳеч қачон у ўша киши билан бахтли бўла олмайди.

*"Калтакнинг икки учи" -29-сон*

**ЭСЛАТМА: Эрим вафот этиб бир этак бола билан тул қолдим. Қийналиб юрганимда бир эр-хотин ўз ҳомийлигига олди. Қўлим пул кўрди. Кейин эса ўша эркак мени никоҳига олди. Аммо ўзимга яқинлаштирмадим. Энди хотини жанжал қилиб юрибди. Гўёки бу ишда мен айбдордек. Айтинг, мени тинч қўйишсин.**

**Муаллиф: С. ФАХРИДДИНОВА.**



**Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА. Андижон вилояти.**

Хўш, эркак билан мачитга бориб никоҳ ўқиттирган экан. Эркак бевани судраб ёки кўтариб олиб бормагандир?.. Бева ўз оёғи билан, ўз ихтиёри билан борган. Эркак хато қилган бўлса, аёл ўзини тута билиши, чуқур ўйлаши керак эди. Бировнинг болаларини, бегона эркак ҳеч қачон боқмайди. Чунки унинг ўз болалари бор. Бева аёлнинг бу баҳонаси, фақат ўзининг нафс балосини бекитишга уринишдир. Аёл ҳам, эркак ҳам шайтон йўлига кириб, нафс балосига йўлиқишган.

Уруш йиллари эди... Мен милицияда ишлардим. Бошлиғимиз - майор 40 ёшларда, мен 19 ёшда эдим. Бир куни у киши иш тугагач, менга: "Юринг", - деди. Менга хотини касалмандлигини, уни сира севмаслигини, фақатгина болалари учунгина яшаётганлигини айтди ва: "Мен сизни кўпдан бери кузатаяпман. Менга жуда ёқасиз. Мен сизга алоҳида уй олиб бераман. Лекин қонуний равишда ЗАГС дан ўта олмаймиз. Сиз менинг севикли ёрим бўлардингиз, ҳеч нарсага сизни муҳтож қилмасдим", - деди.

Сухбатимиз худди Ўрда суви кўприги ёнида бўлди. Мен шундай жавоб бердим: "Мен бир етим қизман, отам фронтда ҳалок бўлган, бошимда мени ҳимоя қиладиган акаларим йўқ. Лекин мен ўзимни ўзим ҳимоя қила оламан. Ор-номусимни оёқости қилмайман", - деб жавоб бериб, қайрилиб кетдим. Бу воқеа умрбод дилимда сақланиб қолди.

Аёл зоти доим ўзини ҳимоя қила билиши керак. Нафс балоси эркак учун ҳам, аёл учун ҳам яхшилик келтирмайди. Инсон ҳеч қачон шайтон йўлига кирмаслиги керак.

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи, Тошкент шаҳри.**

*"Эрини уч талоқ қўйган хотин" - 36-сон*

**ЭСЛАТМА: Одамнинг нияти бузилса, кўзига ҳеч нарса кўринмай қоларкан. Тўшакка михланган эридан тезроқ қутулиш учун чора излаб, охири дугонасининг маслаҳатини маъқул деб топди. Бир таваккал қилиб, эрини уч талоқ қўйди...**

**Муаллиф: Комилжон НИШОНОВ**

# ҲАЁТИНГ БАХТГА ЙЎҒРИЛСИН

Бу мақолани рости, кўзимда ёш билан ўқидим. Букилмас ирода эгаси Қобилжон, турмуш синовларига дош бера олмаган, касал эрини ташлаб кетган Маҳаррам, мажруҳ ота меҳрини мурғак қалб ила ардоқлай олган ва тўғри йўлни танлаган Нилуфар, "маҳаллада бирдан бир хушламайдиган одам"и Исмоил дўқнинг инсонийлик муруввати, онасига эргашиб чиқиб кетган ношуд ўғиллар - бари кўз ўнгимдан бирма-бир ўтди. Агар муболағага йўймасангиз қиссага арзийдиган бир оила тақдирини шу мақолага сиғдирибди.

Муаллиф қаҳрамонларнинг кечмишларини тасвирлар экан, ҳеч кимнинг гўрига ғишт қаламайди, нафратини тўкмайди. Воқеликни холис ёритади. Уларнинг хатти-ҳаракатини ёзувчи кўзи билан илғаб, ҳаяжонли нуқталарга кўзгу тутиб, ўша ҳолатни кўрсатишга, ўқувчининг ўзини хулоса чиқариб олишига эришган.

Бахтсиз тасодиф туфайли тўшакка михланиб ётган эри - ўн саккиз йиллик рўзғори Қобилжонни ташлаб, Сатторхон акасининг "ўзимни жоним ўзимга керак" деб фарзандларига билдирмай сотиб олган шинам ҳовлисидан бахт излаган Маҳаррамни ким деб атаса бўлади? Болаларни бағрига олиб, касал эрига меҳр кўрсатса, жонига оро кирса бўларди-ку! Қийинчиликларга чидаб, тақдирини бу аёвсиз синовларига сабр қилганида яна унга ўзининг ҳалол бахт эшиклари очиларди-ку! Шўрлик Маҳаррам!.. Эрингни уч талоқ қўйиб, нимага эришдинг?! Сатторхоннинг ифлос тўшагидан "бахт"ингни топдингми? Алал-оқибат фарзандларинг ҳам сендан юз ўгирди-ку, бахти қаро Маҳаррам. Агар билсанг, сенга бу кулфатлар ҳам оз.

Сенинг бағрингда вояга етган, сенинг оқ сутинг билан улғайган қизинг Нилуфарга минг тасанно. Табиатнинг чеварлигини қарангки, сассиқ, алафдан бокира гул яралибди. Жаннат эшиклари очилсин сенга, қизим. Энг қалтис ҳолат, фожеа-устига фожеа бўлиб турган бир пайтда иложсиз мажруҳ отангни ташлаб кетмай, бағрига отилдинг, қизим-а! Агар мен сени топсам, бағримга босиб юз-кўзларингдан ўпар эдим, жоним сенга нисор бўлсин Нилуфар қизгинам... Узр. Юрагим тўлиб, кўзларимга ёш қуйилиб келаяпти. Хатимни давом эттира олмай қолганимдан хижолатдаман. Омон бўл, қизим. Дунёдаги энг сара бахтлар сеники бўлсин, илойим.

**Мавлудахон ҚУРБОНОВА, ҳуқуқшунос, Асака шаҳри.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ

**Ҳурматли Шораҳим ака ШОМАҲМУДОВ!**

**Сиз "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни овқатланиш ва савдо комбинатида 40 йилдан зиёда меҳнат қилдингиз. "Уста ошпаз" унвонига сазовор бўлгансиз. Сиздан кўплаб ёшлар ошпазлик маҳоратини ўрганган. Бугун сиз умрингизнинг 60-остонасига қадам қўймоқдасиз. Тилагимиз—фарзандлару набиралар оғушида умрингиз зиёда бўлаверсин!**

**Эҳтиром билан — "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни жамоаси.**

**Қадрли устозим Абдуҳофиз АБДУЖАББОРОВ!**

**Сиз қалбимизда илмга меҳр, келажакка ишонч, камтарлик, ҳалоллик, поклик каби фазилатларни сингдира олган мўътабар инсонсиз. Кўплаб шогирдларингиз қаторида мен ҳам сиздан қийинчиликларни сабр-тоқат, мустаҳкам ирода билан енгишни ўргандим. Қутлуғ байрамингиз арафасида сизга соғлик ва хотиржам, узоқ умр тилайман. Сизлек устозлар бор бўлсин. Оллоҳ бизга ҳам сизнинг йўлингиздек пок ва шарафли йўлни ато этсин! Байрамингиз муборак бўлсин, устоз!**

**Шогирдингиз Ҳуснорахон Хакимова,**
**Тошкент Ислом университети 3-курс талабаси.**

**РАҲМОНБЕРДИ ака!**

**Сизни 46 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга Муҳаббат ойижонимиз билан қўша қариб, доимо соғ-омон бўлинг.**

**Қизларингиз Хуршида, Феруза ва Саодатхонлар,**
**Хоразм вилояти, Хазорасп тумани.**

**Азиз устозларимиз ЖУПАР опа ва ДУЙСЕНГУЛ опа!**

**Сизларни 1 Октябр — устоз ва мураббийлар куни билан табриклаймиз! Шарафли ва машаққатли меҳнатда сира толманглар! Узоқ умр ва туганмас соғлиқ тилаймиз!**

**Собиқ ўқувчиларингиз, Чиноз тумани.**

**Жарқўрғон туманидаги 2-мактаб ўқитувчилари!**

**Барчангизни касб байрамларингиз билан муборакбод этаман. Ўгитларингиз ҳамиша ёдимизда. Оилангизга тинчлик-тотувлик, ўзларингизга эса соғлик ва куч-қувват тилайман.**

**Бердиназарова Дилрабо,**
**Тошкент шаҳри.**

**Устозимиз Фарогат АЛИМОВА!**

**Сизни шарафли касб байрамингиз билан чин дилдан табриклаб, узоқ умр ва бахту саодат тилаб қоламиз. Омад сизга ёр бўлаверсин!**

**Собиқ ўқувчиларингиз номидан,**
**Иброҳим Абдуллаев.**

# БАРАКАЛИ УМР СОҲИБАСИ

***Бугун Тошкентнинг "Янги-ариқ" маҳалласида яшовчи нуроний онахон Аннара аяни 85 ёшга тўлишлари ва устозлар куни билан қутлашга дўсту ёрлар йиғилишди. Мен пайт топиб, аяни суҳбатга чорладим.***

**- Аннара ая! Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин! Ўз ҳақингизда гапириб беринг!**

- Мен тиббиёт техникумини, сўнгра 1936 йил ТошМИни ўқиб битирдим. Институтда дарс бера бошладим. 1941 йил декабрда фронтга чақирилдим. Ҳаракатдаги армияга қарашли тиббиёт бўлимида хирург-жарроҳ бўлиб ишладим. Урушдан сўнг яна ТошМИда ёшларга дарс бера бошладим. Номзодлик диссертациясини ёқладим. 30 йил талабаларга дарс бериб, сўнгра нафақага чиқдим. То 80 ёшимгача педиатрия институтида, онкология касалхонасида врач-консультант бўлиб ишладим.

Кутлов

**Ҳа, қатор медал ва орденлар соҳибаси бўлган Аннара ая шу кунларда ҳам меҳнатда, ҳаракатдалар. Ая баҳордан то кеч кузгача ҳовлиларига гуллар экиб, парваришлайдилар. Шу давр ичида, эҳ-э, қанчадан-қанча маҳалладош аёлларга доялик қилдилар. Аннара аяга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.**

**Шаҳзода ЎЗБЕК қизи**

# ЭЪЛОНЛАР!

**«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:**

1.Тикувчилик - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамшираликка - 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Тиббий массаж - 2 ой (амалиёт билан) 4. Торт ва пиширикдар - 2 ой. 5. Пиширикдар олий курс 1 ой. 6. Уйғурча таомлар ва салатлар - 1 ой. 7. Сартарошлик - 3 ой (аёллар учун. 8. Парда ва чойшаблар - 1 ой (амалиёт билан. 9. Сартарошлик - 2 ой (ўғил болалар учун). 10. Каштачилик - 3 ой. (машинкада вишивка. 11. Инглиз тили - 3 ой (бошловчилар учун 6 ой). 12. Рус тили - 3 ой. (бошловчилар учун 6 ой). 13. Бисер тикиш - 2 ой (яъни мунчоқ тикиш). 14. Компьютер сабоқлари - 2 ой якка тартибда. (Microsoft Windows, XP, Microsoft Office XP Professional, WINWORD, EXCEL, Power Point, Paint)

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.**

**Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 21-17-95.**

ТАТУдан **МУХАМЕДОВ ХАЙРИЛЛА ЗИКРИЛЛАЕВИЧ** номига 2002 йилда берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Узук ҳақида ҳикоя

Замира ҳовлидаги бедаларни ўраётганида узук бармоғида эди. Буни аниқ билади. Ишини битириб қўлини юваётганидагина билди, уни йўқотиб қўйганини. Жон ҳолатда ўрилган бедаларни титиб роса қидирди. Тополмади ва бу ҳақда қайнонасига айтишга мажбур бўлди. Қайнонасининг шу қадар жаҳли чиқди-ки, айтмаган ҳақорати қолмади. Ҳатто кўз ёши ҳам қилиб олди. Чунки бу узук авлоддан авлодга ўтиб келаётган қимматбаҳо ҳамда қадрли буюм ҳисобланиб, уни қайнонаси анъанага кўра биринчи келини Замирага тақдим қилган эди. Келин ҳам қайнонанинг аҳволини тушунди. Шу боис кўпроқ ўзидан нафратланди, аммо на чора... Бу ҳам етмагандай, - "Тўғрисини айтинг, йўқотганингиз чинми?" – деди қайнонаси ғалати қараш қилиб.

Замира бу саволдан қандайдир аччиқ маънони уққандай бўлди-ю, юраги ачишиб кетди. Замиранинг отаси вафот этган бўлиб, маъракаларига узоқ вилоятдан келган опаси қайтиб кетишга пули камлик қилиб, худди ўша куни Замираларникига қарз сўраб келган эди. Шуни назарда тутиб писанда қилаётганини англади-ю, очиқ айтилмагани учун ҳеч нарса дея олмади.

Орадан қиш ўтиб яна баҳор келди. Узук воқеаси ҳам эсларидан чиқиб кетган бир пайтда Замира тасодифан ғалати суҳбатнинг гувоҳи бўлди. Эрталаб чой ичиб ўтиришган қайнотаси ва эрига қайнонаси куйиб-пишиб гапини маъқуллатарди: "Ҳа, мен аниқ биламан. Замира узукни сотиб, опасига пул қилиб берган. Шундан кейин опаси юртига жўнаб қолди-ку"...

Замира бошқа ҳеч нарсани эшитмади. Югурганича ўз уйига кириб кетди. Кирди-ю қибла тарафга тиз чўккanча кафтларини очди. Кўзларидан шашқатор ёшларини оқизиб, юраклари пора-пора бўлиб худога илтижо қила бошлади: "Ё, Оллоҳим, меҳрибон эгам, ўзинг кўриб-билиб тургувчисан. Бу туҳматдан ўзинг қутқар. Ёлвораман сендан, ўзинг юзимни ёруғ қил", – дея қанча ўтирганини билмайди. Қайнотасининг овозидан ўзига келиб шошапиша ҳовлига чиқса, ҳаммасининг қўлида ўроқ, далага кетишаётган экан.

- Сен ҳам ишингни битир-да, орқамиздан етиб бор, – уқтирди қайнотаси. – Фермерларга ер ҳайдайдиган тракторларни навбатма-навбат беришаяпти.

Биз эртага ҳайдатамиз. Еримизни жуда ўт босиб кетган, тиззадан бўлиб ўсиб ётибди. Тракторга осон бўлиши учун ўтларни ўриб, ерни тозалаймиз, – дея далага кетишди. Шундай қилиб Замира ҳам далага бориб ўт ўраётганларнинг қаторига қўшилди. Бир вақт, қайнотасининг: "Ё, раббим", – деган ҳайқириғидан бошини кўтариб қаради. Қаради-ю, ҳайратдан донг қотиб қолди. Қайнотаси ўроғининг учига тикилиб оғзи очилиб турар, эри ҳам ўроғнинг учига қараб астааста юриб келар, ўроқнинг учида эса... Ўша йўқолган қимматбаҳо узук қуёшнинг нурида товланарди. "Қандай қилиб ҳовлида йўқолган узук далага келиб қолиши мумкин?" - деган савол ҳамманинг миясида чарх ураётгани аён эди.

- Менимча, воқеа бундай бўлган, – узукни қўлига олиб томоша қилаётган қайнота ахийри гап бошлади. – Бедага илашиб қолган узук қачондир у билан қўшилиб сигирнинг қорнига тушган. Ҳосилни йиғиб олганимиздан сўнг баҳоргача подаларни далага ҳайдаб боққанимизни биласизлар. Ўшанда буни ютган жониворнинг тезаги билан шу ерларда қолиб кетган. Худонинг сенга кўрсатган яна бир яхшилиги шундаки, агар ўзингнинг ўроғингнинг учига илашиб чиққанида борми, қайнонанг ўла қолса ҳам ишонмасди...

Замира ўпкаси тўлиб унсиз йиғлар экан, узук ҳақида ўйламасди. Юзининг ёруғ бўлганига шукрона келтирарди.

**Насиба РИЗАЕВА**

**Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 8-13°, кундузи эса 23-28° атрофида илиқ бўлади.**

# МУНАЖЖИМЛАР

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Ҳафта давомида ҳамёнингизга тушган маблағни сарфламасликка ҳаракат қилинг. У янги иш бошлашингизда асқотиши мумкин.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Чоршанба куни муҳим қарор қабул қилишингиз керак. Таваккал қилишга шошилманг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Кўпдан ўйлаб юрган ишларингизни иккиланмасдан амалга оширишга киришинг. Бундай имкон кейин бўлмаслиги мумкин.

**КИСКИЧБАКА (22.06 — 22.07).** - Дам олиш кунини оилангиз аъзолари билан ўтказинг. Рўзғор буюмлари харид қилишингиз мумкин.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).**- Ҳафта қандай бошланишидан қатъий назар кўтаринки кайфият билан ишга киришинг. Омадли кун жума.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Билмаган нарсаларингиз ҳақида дўстларингиз билан баҳслашмаганингиз маъқул. Акс ҳолда ўзингизга рақиблар орттириб оласиз.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Хизмат сафарига чиқишни таклиф этишса иккиланманг. Кўп ишларингизни амалга ошириб, ютуқ билан қайтасиз.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Пайшанба куни мириқиб дам олишингиз учун имконият пайдо бўлади. Шанба куни ишга оид янгилик эшитасиз.

# БАШОРАТИ

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Бироз чалкашликлар кўнглингизни ғаш қилса-да, ҳаммаси яхши бўлади. Сал вазмин бўлсангиз кифоя.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Ўзингизга ҳаддан ортиқ ишонманг. Ўзгалар маслаҳатига ҳам қулоқ тутинг. Жума куни дам олинг.
**ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҲИКМАТ:** Вафодор дўстлар билан алоқани узманг. Давлатли, неъматли бўлган вақтингизда дўстларни ёдга олинг. Душманингизни кичик деб ҳисобламанг. Агар душманингиз дўст бўлмоқчи бўлса андиша қилманг.

**ЙИГИРМА ИККИНЧИ ҲИКМАТ:** Осойишталик вақтингизда кўпроқ қўрқинг. Кулфат етганда сабр қилинг. Танглик вақтингизда фаровонликни ўйланг ва фаровонлик пайтида тангликни ёддан чиқарманг. Ваъда қилсангиз вафо қилинг.Сиздан умидвор бўлганларни ноумид қилманг. Бир кўринишдаёқ ҳар кимга алданманг ва бировнинг айбини қидирманг.

**ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҲИКМАТ:** Ўз юкингизни бировнинг елкасига ортманг. Фойдасиз дўстликдан йироқ бўлинг. Бадфеъл одам билан дўстлашманг.

**(Давоми бор)**

**Мансур АЛИЕВ.**

# "ОЛДИН ЎЙЛА..."



***"Қари билганни пари билмас", деганлари рост экан. Ёшинг ўтган сари бунга амин бўлар экансан. Ёшлигимда бувам таъкидлардилар: "Болам, бир гапни гапиришдан олдин ўйла, кейин сўйла. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди"...***

...Ёш боламиз. Ўқишдан таътилга чиққанмиз. Эртадан-кечгача анҳорда чўмиламиз. Қорин очганда бирров уйга келиб қовун, тарвуз, узум билан нонни еб, яна анҳор бўйига чопамиз. Русум бўлганми, маҳалла болалари ҳаммамиз бир хил майка-иштонда.

Шундай ажойиб кунларнинг бирида қўшнимиз Мусулмонқул ака томини очаётган эди. Чакка ўтавериб жонга теккан томларни кимдир тунука, кимдир шифер билан қоплаётган давр. Мусулмонқул ака томни очаётганида кетмон билан электр симини узиб юборади. Пешин пайти уйга келиб нон-пон еб чиқаётгандим, адам ҳам кетимдан чиқиб: "Эҳтиёт бўлинглар, тағин чўкиб кетманглар", - деб огоҳлантирдилар. Шунда ерда узилиб ётган симга кўзлари тушди. Мусулмонқул акага симни сим ёғочдан узиб ташлаш кераклигини айтдилар. "Болалар яланг оёқ юришибди. Тағин ток уриб олмасин", - дедилар. "Яхши топиб, ёмон қопиб гапиради", - деганларидек Мусулмонқул ака:- "Ток урса, битта нонхўр камаяди", - деди. Адам гап фойдасиз қолганига жаҳллари чиқиб, уйга кириб кетдилар. Кечки пайт ҳаммамиз уйга қайтдик. Мусулмонқул аканинг ўғли томда ишлаётган адасига қараб бораётиб, симни босиб олади. Бир пасда қорайиб, ҳатто овози ҳам чиқмади. Тўс-тўполон, ҳеч ким Ҳамзага яқинлаша олмасди. Шунда адам резина калиш кийиб кетмон билан бўй етганча жойдан симни кесиб ташладилар. Ўртоғимиз қорайиб нафас олмай ётарди. Тезда "Тез ёрдам" чақиришди. Катталарнинг гапи билан ариқ ёнидан чуқур кавлаб, ерга кўмиб қўйишди. Бир оздан кейин "Тез ёрдам" ҳам келди. Шифокор текшириб, боланинг жони узилганини айтди. Ўликхонадан машина келиб уни олиб кетишди. Эртаси куни пешинга ўртоғимизни мозорга қўйиб келдик. Шундай қилиб Мусулмонқул ака хонадонида битта нонхўр камайди...

* * *

Автокорхонада ишлайман. Якшанба кунларининг бирида ҳамкасбимиз тўй қилди. Душанба оғир кун, яна тўйда бўлганмиз. Уч-тўртта ҳамкасблар ишга чиқмаслик учун баҳона излаб, биримиз балон қилиш, бошқамиз автомашинанинг бошқа бир жойини таъмирлаш билан шуғулланиб, вақтни пешин қилдик. Пешинда битта машина топиб "Жар"га борадиган бўлдик. Йўлда кетаётиб, Хадрадаги дўкондан, бош оғриқ дориси - "оқ бола»дан 2 дона олиб, "Жар"га тушдик. Аксига олиб ҳеч қаерда лағмон йўқ. Шунда кабобпаз: "Кабобга гўштини олиб, суякларини қайнатиб қўйибман, бўладими", - деб қолди. Шунда биз ҳазиллашиб: "Бўлганда қандоқ, "оқ бола" билан худди узукка кўз қўйгандек бўлади", - дедик. Оз-оздан отиб, гурунглашиб, кабоблардан еб ўтирдик. Бир-икки соат ўтириб, энди фотиҳа ўқиб ўрнимиздан турамиз деяётганда кабобпаз: - "10 тийин қайтим қолаяпти. Битта чойнак чой дамлаб берай, ичиб кетинглар", - деди. Шунда Воҳид ака «Об келсангиз об келинг, эрта бормизмийўқмизми", - деб жавоб бердилар. Мен: "Унақа деманг, ҳали кўп келамиз бу ерга", - десам: "Айтдим, қўйдим-да", - дедилар. Чойни ичиб бўлиб, ўрнимиздан турдик. Менинг уйим бошқа тарафда бўлгани учун, ўзим кетдим. Улар биргалашиб уйларига кетишди. Эртаси эрталаб 6 ларда ишга келсам, механик хонасининг деразасида Воҳид аканинг расми остига, "Пешинга жанозага", - деб ёзиб қўйилибди. Пешинда ҳаммамиз бензин ташувчи машиналар ҳайқириғи остида Воҳид акани Минор мозорига қўйиб келдик. Сўнгра билсам, Воҳид ака уйга келиб, қўл приёмникни олиб, бир чўмилиб чиқай деб, ваннахонага кирганлар. Ваннада газ ҳиди чиқиб ётган экан. Ичкилик таъсиримми ёки иссиқ сув элитганми бандаликни бажо келтирган эканлар. Уйдагилар орадан бир-бир ярим соат ўтгандан сўнг эшикни тақиллатишган, мусиқа овози эшитилган, аммо Воҳид акадан садо чиқмаган. Эшикни бузиб киришса, Воҳид ака бу ёлғон дунёни тарк этиб, боқий дунёга кетган эканлар. Чой устида гапирган гапларига фаришталар омин дедими, ёки ўлим ўзи ҳақида олдиндан сезги берганми, ҳозиргача бу воқеага тушунолмайман.

**Ҳабибулло ИБРОҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳар,**
**Уч-тепа тумани.**



**ҚИССАДАН ҲИССА**

# ҚАРОҚЧИ ҚИЗЛАР

**Қилмиш-қидирмиш**

- Мен борай, кеч бўлиб қолди.

Азиза Собира билан хайрлашар экан, соатига яна бир бор қаради.

- Аллақачон ўн ярим бўлибди-ку!

- Соат ўн иккигача маршруткалар қатнайди. Майли, дугон, яхши етиб ол.

- Хайр, - Азиза аллақачон февралнинг совуқ туни шаҳарни ўраб олган зулмат қўйнига қадам қўйганида, наштардек баданига санчилган аёздан эти жунжикди. Бахтига тезда бекатга ғизиллаб қатнаб турган митти автобуслардан бири келиб тўхтади. Эндигина 20 ёшга тўлган Азиза турмушдан ажрашишга ҳам улгурганди. Фарзанди ота-онасиникида. Ўзи ҳеч жойда ишламаса-да, ул-бул сотиб кун кўриб юради. Унинг кеч келишлари-ю, фарзандига анча бефарқлигига яқинлари ҳам қўникишди шекилли, охир–оқибат насиҳатларининг зое кетаётганлигини кўриб индамай қўя қолдилар. Азиза хаёлга берилиб, "Тошлоқ" бекатига етиб келганини сезмай ҳам қолди. Ҳайдовчига пулни узатиб, машинадан тушиб қолар экан, шу ерда турган дугонаси Умурни кўриб қувониб кетди. Умур ундан икки ёш кичик бўлса-да, бировга гапини ҳам, йўлини ҳам бермайдиганлардан. Куни асосан кўчада ўтади. Ҳеч нарсадан тап тортмайди. 2004 йили Тошкент шаҳрида бир тўда ўзига ўхшаган бекорчилар билан босқинчилиги, бировнинг мол-мулкига кўз олайтиргани учун судланган, вояга етмаганлиги жонига оро кириб, амнистияга илиниб қолган эди.

Умур ҳам Азизани кўриб жилмайди.

- Ҳа, кеч бўлганда йўл бўлсин?

- Собираникига борувдим. Валлақлашиб, кеч бўлганини ҳам билмай қолибмиз. Ўзинг нима қилиб юрибсан?

- Шавкат аканинг сомсахонасида Наргиз билан «ужин» қилувдик. У уйига кетди.

Икки дугона гаплашиб туришар экан, йўл четида жанжаллашаётган бир қиз билан икки йигит уларнинг диққатини тортди. Қиз оғзидан боди кириб, шоди чиқар, йигитлар ҳам ундан қолишмай, турли хил қуракда турмайдиган гаплар билан қизни ҳақорат қилишарди. Бир пас жанжални томоша қилишгач, қизлар уларга яқин боришди.

Жанжаллашаётган қиз иккита бегона қизнинг тиржайиб, томоша қилиб турганини кўриб энсаси қотди:

- Ҳа, сенларга нима керак? Маймун ўйнатаяпманми?

Қиз жаҳл билан Азизани туртиб юборди.

- Ҳа, сен кимсан ўзинг? Бу ёққа юр-чи?

Азиза қизнинг қўлидан ушлаб четга судради. Дугонасига шу заҳотиёқ ёрдамга етиб келган Умур унга ёрдамлаша бошлади.

Икки йигит янги рақиблари пайдо бўлганини кўриб, кулакула ўз қурбонларини уларга топширишди-да, қоронғулик қўйнида ғойиб бўлишди.

- Қўйворинглар мени, сенларга нима керак?

Қиз Азиза билан Умурнинг қўлидан чиқишга ҳаракат қилиб, юлқинди.

- Нимага мани урасан? - Азиза ҳурпайганича бегона қизга яқинлашди.

- Қани урганим? Кимсан ўзинг?

-Санга ҳозир кимлигимни кўрсатиб қўяман, қ...

Азиза қизнинг юзига шапалоқлаб бир урган эди, бўялган узун тирноқлари қизнинг юзини тирнаб ўтди. Умур бу орада унинг сочига ёпишди. Икковлон қизни уриб, итариб юбордилар. Қизнинг оёғи тойиб, ерга йиқилди.

- Мана сенга, мараз. -Азиза ерда ётган қизнинг орқасига тепди.

Қиз ўрнидан турар экан, эркакчасига сўкинди.

- ...ҳали шошмай турларинг, дугоналарим билан кўзингга кўрсатиб қўяман, икковингни!

- Вой, вой, вой, қўрқитиб юбордилар-ку! «Разбор» қиласанми? Қани юр мен билан. - Азиза қизнинг қўлидан ушлаб, йўл четида турган киракаш машиналар томон судради.

-Қўйинглар, қизлар, кераги йўқ. Мен Самарқандга кетишим керак, кечга қолиб кетдим. - Қиз энди ялинишга ўтди. Аммо Азиза билан Умур бир нималарни пичирлашиб олишгач, уни яна машина томон судрашди.

Киракаш йигит Азизанинг таниши экан, шекилли, "пулингни кейин бераман", деганига кўниб қўя қолди. Улар "Наврўз" маҳалласида жойлашган "Истиқлол" боғига етиб келишганида, тун ярмидан оққан эди.

Қиз боғ тепасида қорайиб турган Етимтоққа кўтарилишаётганини кўриб, оёқни тиради.

- У ёққа бормайман, илтимос, мени қўйворинглар.

Азиза унга ўгирилар экан, зарҳархандалик билан боя берган саволини қайта такрорлади?

- Боя мени нега урдинг?

-Урганим йўқ-ку, ўзларинг биринчи бошладиларинг-ку?

- Дублёнкани еч, бўлмаса яна ейдиганингни ейсан!

Азиза амирона оҳангда қизга буюрди. Сўнг ўзига жовдираб қараб турган қизнинг қўлидаги қора чарм сумкасини тортиб олди.

-Бу ёққа бер.

Қиз сумкасига талпинган эди, унинг орқасида турган Умур сочидан ушлаб пастга тортди. Қиз оғриққа чидай олмай, додлаганича ерга чўккалади.

- Дублёнкани еч деяпман, санга?

Талончилардан осонгина қутила олмаслигини сезган қиз, устидаги қизғиш рангли дублёнкасини ечиб, Умурнинг қўлига тутқазди.

- Энди жемперингни еч!

Азиза қиз жемперининг замогига қўл чўзган пайти, у орқага тисланиб, қочиб қолди.

Азиза: - "Ушла уни, ушла" дея бақирар экан, қизга етиб олишига кўзи етмай, қўлидаги ундан тортиб олган сумкани ковлашга тушди.

- Оҳ-ҳо, ўлжа зўр-ку. Сумкада косметик буюмлар жамланмаси, фотосуратлар альбоми билан 65 минг сўм пул ҳам бор эди.

Азиза Умурнинг дублёнка билан овора бўлганини кўриб, секингина сумканинг огзини ёпди. Сўнг унинг чўнтагини ковлаб, у ердан 175 сўм топиб олди.

- Манови бор экан, юр кетдик.

Улар боғдан чиқиб, ўзларини кутиб турган машинага ўтириб, уйларига кетишди.

Азиза Нишонова билан Умур Қодирқулова уриб, кийимию, сумкасини тортиб олган қиз – Аккўлова Собира ўша куни Тошкентдан Самарқандга бориш учун йўлга чиқиб, соат 20.00 ларда Жиззахга келган, шаҳарда бир оз тамадди қилиб, йўлини давом эттириш учун машина кутиб турганида, нотаниш йигитлар унга гап отиб, жиғига тегишган эди. Бу ҳам етмагандек қаердандир пайдо бўлган икки қиз унга ёпиша кетишди. Собира талончилардан қочиб, йиғлаганича Жиззах шаҳрининг кимсасиз кўчаларидан кетар экан, ниҳоят бир қарорга келди. Кўча четида оқиб турган сувида юз-қўлини ювиб, милиция таянч пункти томон йўл олди.

Суд Азиза Нишонова ва Умур Қодирқуловалар зўрлик ишлатиб, ўзганинг мол-мулкини очиқдан-очиқ талон-тарож қилганликлари учун икки дугонани Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг 83-моддасига асосан 6 ой аҳлоқ тузатиш ишларини белгилаб, давлат фойдасига иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолиш ҳақида ҳукм чиқарди. "Қилмиш-кидирмиш", дейди доно ҳалқимиз. Аёллик, қизлик латофати-ю, нафосати, ҳаёси-ю-ибосини унутиб, қароқчига айланган дугоналар ҳам қилмишларига яраша жазо олишди.

**Клара ЯКУБОВА,**
**Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.**
**Н.ҚОСИМОВА,журналист.**

# ЁНИҚДИР СИЗ ЁҚҚАН ЧИРОҚ

Онажоним билан ададжоним биз етти фарзандини ўқимишли, комил инсон қилиб тарбияладилар. Олимжон акам газетада муҳаррир, Зокиржон акам ички ишлар ходими, майор, Ғофиржон акам муҳандис, Бахтиёр акам рассом, Махбуба опам боғча тарбиячиси, Муътабар опам савдо ходими, мен эса болалар шифокори бўлдик. Отамиздан 1989 йилда айрилиб, онамизга суяниб тасалли топгандик. 1997 йил 5 октябрида Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Искавот қўрғонида яшайдиган онажонимиз Хоназарова Шарифахон Солижон қизидан ҳам айрилиб қолдик.

Онамсиз маҳалламиздаги бирорта йиғин ўтмасди. Ҳеч бир кимсадан, ёшу-қаридан ўз маслаҳатлари ва ёрдамларини аямас эдилар. Оиласида эса 16 фарзандининг тўнғичи бўлганлар. Ҳар доим холам ва тоғаларимнинг ардоғида эдилар. Онажоним 23 набира ва 10 нафар эвараларинг бувижониси бўлишдек бахтни ҳам кўрдилар. Онажонимда оилага ҳурмат-эътибор, турмуш ўртоғига нисбатан меҳр ва эҳтиром жуда юқори бўлган. Ана шу хислатларини ҳар доим биз қизларига ўргатардилар. Шунинг учун бўлса керак, ҳар биримиз борган жойимизда тиниб-тинчиб кетганмиз.

Армоним шуки, онажоним менинг тугал бахтимни кўра олмадилар. "Фарзанд кўрсанг бешигини тебратиб, алла айтиб ўтираман!" - деб ният қилардилар. Оҳ, онажон! Мана фарзандлик ҳам бўлдим, аммо, бешигини тебратгувчи сиз бувижониси бўлмадингиз. Сизни тушларимда кўриб, хурсанд бўлиб уйғонаман-у, уйғонгач соғинчдан дилим вайрон бўлади. Сиз ўта нозик таъб, қўли ширин пазанда аёл эдингиз. Уйимизда доимо дастурхон безатилиб, устига оппоқ сочиқлар ташланган бўларди. Эшикдан кирган инсон борки, бир пиёла чойсиз жўнатмас эдингиз... Бунинг устига қўли гул чевар ҳам эдингиз. Ким қиз узатса ёки келин олса 10-15 кўйлагини бежирим қилиб тикардингиз. Кўрпа-тўшаклар қавишда сизнинг олдингизга тушадигани йўқ эди. Шунча ишлардан ортиб китоб мутолаа қилишга ҳам вақт топардингиз.

Мумтоз мусиқалар-ку, жони дилингиз эди. Мен ҳозир ўша сиз тинглаган "Муножот", "Тановар" каби қўшиқларни тинглай олмайман, чунки сиз кўз олдимга келасиз. Кўзларимдан ёшларим дарёдек қуюлаверади. Гуё: "Нима бўлди асал қизим? Нимага йиғлаяпсан? Ахир сен энг бахтли аёлсан, болам! Сен йиғласанг руҳим безовта бўлади-ку!" - деб юпатаётгандек бўласиз!.. Оҳ, меҳрибон онажоним, сизни излаб қайдан ҳам топардим?

Азизлар! Ота-онангизни тириклик пайтида эъзозланг, босган изларини кўзингизга тўтиё айланг. Фарзандининг соғ-саломатлиги, меҳри, эътибори улар учун муҳим. Онажоним кўпинча: "Битта ота-она 10 та фарзандни боқиб тарбиялайди. Лекин, 10 та фарзанд битта ота-онани боқа олмайди", дердилар. Онам ҳар бир сўзига мақол қўшиб гапирарди.

Онажоним дуо айтган сўзларингиз ҳануз қулоқларим остида эшитилаверади. Агар ҳаёт бўлганингизда бу йил 77 ёшга тўлардингиз.

"Амакиси борнинг отаси тирик, холаси борнинг онаси тирик", дейишади. Холаларим бор экан, сиз тириксиз меҳрибоним!

Сиз қалбимизда мангу яшайсиз, жойингиз жаннатда бўлиб, қабрингиз нурларга тўлсин. Ҳамроҳларингиз хурлар, ушлаганингиз гуллар бўлсин! Сиз фарзандларингиздан рози бўлиб кетдингиз, биз ҳам сиздан розимиз, онажон! Қабрингизда тинч ётинг!

*Сиз йўқсиз, ҳаётда бу аччиқ фироқ,*
*Ҳамиша ёниқдир, сиз ёққан чироқ!*
*Онажон эслаймиз, сизни умрбод,*
*Руҳингиз биз билан мангу барҳаёт!*

**Қизингиз**
**Малоҳат ХОНАЗАРОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

# ОТАМ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРИМ

Отажоним, сиз баҳорни яхши кўрар, соғиниб кутар эдингиз. Шивирлаб ёғаётган ёмғирдан, кейинги жилвагар камалакдан, ўрик гуллари-ю, олмаларимизнинг куртакларидан, айвонимизга ин қўйган қалдирғочнинг полапонларига қўйган меҳридан завқ олардингиз. Невараларингиз билмай айвондаги дераза-ларни ёпиб қўйишса, тонг отмасдан, қалдирғочнинг болалари оч қолади-ку, ота-онаси чиқолмай чирқираб айвонда айланиб учиб чарчайди-ку, - дея дераза-ларнинг бирини очиб, невараларингиз устини ёпиб қўяр эдингиз. Энди эса, тўрт йилдир-ки баҳорни сиздиз ўтказамиз

Онамиз билан тушган суратингизга термулиб, кўзларимга ёш тўлади. Сизга, онамга айтолмаган сирларимни айтиб, ишдаги-уйимдаги муаммоларимни ҳал этишда маслаҳатингизга қулоқ тутардим. Энди-чи, ўзим маслаҳат берадиган ёшга етсам-да, Сизнинг ўгитларингизга, маслаҳатларингизга зорман. Баъзан дунё тор келиб, кўнглимга қил ҳам сиғмай қолганида қабрингизни зиёрат қиламан, ҳаёлан маслаҳат бергандай, далда бергандай бўласиз, кўнглим ёришгандек бўлади.

... Отамиз Маҳамаджон Каримов кўп йиллар Тошкент вилояти ҳокимияти, Калинин - ҳозирги Зангиота ҳокимиятида масъул лавозимларда фаолият кўрсатган. Пенция даврида ҳам фуқаролар йиғинига оқсоқоллик қилган. Отамиздан солиқ фарзандлар, қурдирган иморатлари, яратган боғлари-ю, яхши номлари қолди. Биз фарзандлар сиз билан доимо фахрланиб юрамиз. Жойингиз жаннатда бўлсин дея, фарзандларингиз номидан қизингиз

**МАНЗУРА.**

## БИЗНИНГ ЁДИМИЗДАСИЗ

Бувижоним! Сизнинг меҳрингизни, ширин сўзларингизни жуда қўмсаймиз. Сиз уруш йиллари икки фарзанд билан қолиб кетиб, умрингизни охиригача бобомизни кутиб яшадингиз. Биз набиралар дунёга келганимиздан кейин барча машаққатларни унутиб, 10 та набирани оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдингиз. Фарзандларим ўксимасин, деб рўзғор аравасини бир ўзингиз тортдингиз. Сиз орзу қилганингиздек, фарзанд ва набираларингиз яхши инсон бўлиб етишди. Ҳозир 10 невара ва 31 чевара-нгиз бор. Сиз улар хотирасида яшайсиз.

Азиз бувижон! Сиз ҳаёт бўлганингизда 100 ёшни қаршилаган бўлардингиз. Бувижон, ётган жойингиз жаннат, охиратингиз обод бўлсин.

**Набирангиз Роза ДУШАНБЕКОВА,**
**Ўрта Чирчиқ тумани,**
**Ўрта Сарой ш/х.**

# ХИЖРОН ДАШТИ БЕПОЁН

*О, нақадар бахтли эдим бир замон,*
*Оилам бут, уй ичимиз чарогон.*
*Аёвли кўз чуплангандай, ногаҳон,*
*Сиз кетдингиз кемтиклашди бу жаҳон.*
*Манзил олис, хижрон дашти бепоён.*
*Онажон-ей, олов шаштли онажон!*

*Бошингизда лолман, бағрим эзилган,*
*Кипригимга ёш маржондек тизилган.*
*Жон риштам-ей, дил чокимдан узилган,*
*Нетай, сизсиз етимлигим сезилган.*
*Айриликдан йўқдек ҳолсиз танда жон,*
*Онажон-ей, жондан азиз, онажон!*

*Ўтди сизсиз неча баҳор, неча куз,*
*Ҳижрон заҳми битганича йўқ ҳануз.*
*Тушларимда келсак ҳамки юзма-юз,*
*Туш-туш экан, бўлмас экан ўнгу, ўз.*
*Уйғонурман чўчиб, кўнгил лахта қон,*
*Онажон-ей, суянчи дил онажон.*

*Тегрангизда сой оқадир шовуллаб,*
*Ҳажрингизда гуллар ёнар ловуллаб.*
*Ўрнингиз бўш, кулба қолган ҳувиллаб,*
*"Буви йўқ" дер набиралар чувиллаб.*
*Жавобига бош эгаман, дил куфтон,*
*Онажон-ей, изи чаман, онажон.*

*... Аввалги кун кетди ташлаб отам ҳам,*
*Битта эди қўша бўлди мотам ҳам.*
*Дард юкига филми дейман одам ҳам,*
*Чидолмай, ун бўлиб кетмас бадан ҳам.*
*Фақат дилдан тасалли бор, шу аён,*
*Онажон-ей, ёдларга ёр онажон!*

*Йўқ, онажон оҳим мутлоқ таънасиз,*
*Эл-юртим бор, эмасман бошпанасиз.*
*Бахтлиману зор ўртайсиз яна сиз.*
*Гарчи кундай, дил кўкимда ёнасиз,*
*Лекин, армон... юролмайсиз ёнма-ён.*
*Онажон-ей, бахтдан азиз онажон!*

*Элим суяр, кўтаргудек бошларга,*
*Кўнглим ўсар билим бериб ёшларга.*
*Вақти ҳушман, ёрман вақти хушларга,*
*Фақат, баъзан қоқилганда тошларга.*
*Қақшаб сизни дил излайди зор гирён,*
*Онажон, деб бўзлагайман онажон!*

*Чора надир, умр азал муваққат,*
*Ҳаёт сўнгги шу тўрт ҳарфли - қора хат.*
*Бир кетганга минг қайгуриш бор фақат,*
*Вайрон кўнгил, тўзиқ сочу эгик қад.*
*Мен ҳаётки- сиз ҳаётсиз ҳар қачон.*
*Онажон-ей мушфиқ, мунис онажон!*

**Лолахон АҲМЕДОВА**

## *ХАЙР-ХЎШ*
### *Нуриддин Ҳайдаров хотирасига*

*Фарғонада тоғлар чўкиб паст бўлди дўстим!*
*Булбул кетиб боғлар хазон-хас бўлди дўстим*
*Дўст йиғлади, душманингиз шод бўлди дўстим*
*Осмонга учиб кетган Нуриддин Ҳайдар,*
*Кавсар боққа кўчиб кетган Нуриддин Ҳайдар!*

*Билдим, асл зотлар умри ғанимат экан,*
*Яхшиларга тақдир мудом синоат экан.*
*Энди Сизни кўрмоқ тонгла - қиёмат экан,*
*Бу дунёдан кечиб кетган Нуриддин Ҳайдар,*
*Лочин каби учиб кетган Нуриддин Ҳайдар!*

*Кўнгил маъюс садо берса эслайман энди,*
*Гоҳ - Фарғона, гоҳо Шошдан излайман энди.*
*Ҳофиз кўпу, нола топмай бўзлайман энди,*
*Торда бармоқ изи қолган Нуриддин Ҳайдар,*
*Булбул тилда сўзи қолган Нуриддин Ҳайдар!*

*Осмонга учиб кетган юлдуз, хайр-хўш,*
*Кавсар боққа кўчиб кетган ҳофиз, хайр-хўш!*

***ШАМСИДДИН САДОИЙ***

# ҚАДРИНГИЗ БИЛИНАДИ

Биз учун жуда азиз бўлган бобожонимиз бугун орамизда йўқ. Бобом жуда ҳам обрўли, меҳнатсевар инсон эдилар. Бутун Бекобод аҳли жуда ҳурмат қиларди, десам муболаға бўлмайди. Биз бобомга жуда қаттиқ суянар эдик. Улар катта-кичик, барчани бирдек кўрарди. Бобомиз Ўзбекистон Металлургия комбинатида, ундан олдин эса Бекобод йўл-саноат заводида кўп йиллар ишлади. Беш фарзандни ҳеч нарсага зориқтирмай катта қилди. Шунингдек, ажойиб деҳқон бўлганликлари сабаб ширингдан-ширин қовун-тарвузлари билан Бекобод аҳлига танилгандилар.

Бобожон, сиз нафақат яқинларингизга, балки бегоналарга ҳам яхшиликлар қилардингиз. Тўй-маъракалар бошида турардингиз. Биз учун қадрингиз жуда-жуда билинаяпти. Ҳовлимизни тўлдириб ўтирар, маслаҳатлар, дуолар қилардингиз. Бобожон, жойингиз жаннатда бўлсин.

**Набираларингиз Дилшод ва Барно БОБОБЕКОВЛАР,**
**Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри.**

# МЕҲМОН ЭКАНМИЗ, БАРЧАМИЗ...

Отажонимизнинг вафот этганларига 12 йил бўлган бўлса, ана шу 12 йил мобайнида онажоним бизга ҳам оталик, ҳам оналик меҳру муҳаббатини улашиб келдингиз. Керак бўлганида ёш жонингизни ҳам аямай, тинимсиз меҳнат қилиб, отаси борлар қаторида тарбиялаб, камкўстсиз камолга етказдингиз. Бутун борлиғингизни биз фарзандларингизга бахшида қилдингиз.

Ҳозирда бизларга чексиз меҳрибонлик кўрсатаётганлар "беҳисоб" бўлсалар-да, ота бирлан онанинг ўрнини ва меҳрини ҳеч кимса боса олмас эканлигини англаб етдик. Яратган Парвардигори Оламга беҳисоб шукроналар келтириб, сиз азизларни доимо ёдимизда ва қалбимизда ардоқлаб ва ёд айлаб, ҳаёт кечирмоқдамиз. Биз фарзандлар умримиз охиригача сиз, азизларнинг шаънингизга доғ туширмаймиз. Доимо руҳларингизни шод айлаб, сизларни номи шарифларингизга раҳматномалар ёғдириб яшашга ҳаракат қиламиз.

*Бу ҳаёт гулшанига, меҳмон*
*эканмиз барчамиз,*
*Бу гўзал дунёга дўстлар,*
*ошиқ эканмиз барчамиз!*
*Молу дунё-ю, қўш иморатлар*
*солай деб жонимиз ҳалак,*
*Бу молу дунё-ю иморатларга*
*меҳмон эканмиз барчамиз!*

**Назокат Бону АБДУЛЛАЕВА,**
**Баҳодир Илҳом ўғли,**
**Нозима Илҳом қизи,**
**Тошкент шаҳри,**
**Юнусобод тумани.**

# САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

***- Негадир тез-тез бошим оғрийди. Қора чой бош оғриғини қолдиради, деб эшитдим. Илтимос шу ҳақда ёзсанглар...***

**К.Машрапова,**
**Самарқанд вилояти.**

- Чиндан ҳам қора чой бош оғриғини қолдиради. Фақат уни тайёрлаш усулини билишингиз керак. Бошингиз оғриётган бўлса қуйидагича чой тайёрланг. 400 грамм қора чойни ярим кастрюлька сувга солиб, қопқоғини ёпинг. Паст оловда 3 минут қайнатинг. Сўнг 1 метр докани олиб икки буклаб столга ёйинг. Қайнаб турган сувдан човли билан чой шамаларини олиб, шу дока устига бир текисда ёйгач узунасига ўраб чиқинг-да, бошингизга боғланг. Ушбу боғлама совугач, олиб, ухлашга ҳаракат қилинг.



**М.Воҳидова,**
**Сирдарё вилояти,**
**Гулистон шаҳри.**

***- Тўпиғим қайрилиб, анчагача оёғимни боса олмай қолдим. Айтишларича карам билан даволаш мумкин экан. Шу ростми?***

**С.Латипова,**
**Бухоро вилояти,**
**Шофиркон тумани.**

- Рост. Карамнинг барглари устига қайноқ сув қуйиб,пайи чўзилган ёки лат еган оёқ мушаклари устига босасиз-да, устидан ўраб қўясиз. Агар карам баргларини тез-тез янгилаб турсангиз, уч кунга қолмасдан оёғингизни бемалол босадиган бўласиз.

**К.Норматова,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Сариосиё тумани.**

***- 55 ёшдаман. Бир йил аввал баданимда оқ доғлар пайдо бўлди. Одамлар орасида юришдан ноқулай аҳволга тушаяпман. Халқ табобатида давоси бор, деб эшитдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз...***

**С.Бердиқулова,**
**Наманган шаҳри.**

- Халқ табобатида ҳамма касалликнинг давоси бор. Фақат айтилган даволарни тайёрлаб фойдаланишга сабрли бўлиш керак. Оқ доғларни даволашнинг ҳам бир нечта усуллари бор. Улар қуйидагича:

50 грамм иттиканак (череда) ўтини 1 литрли банкага солиб, тўлгунча спирт қуйилади. Сўнг 10 кун қоронғи жойга қўйилади. 200 грамм наъматак мевалари устига 400 мл.литр ароқ қуйилгач, у ҳам ўн кун туриши керак. 10 кундан сўнг ҳар иккала аралашмани сузиб олиб, аралаштирасиз. Музлаткичга қўйиб, ҳар куни уч маҳал овқатланишдан 15-20 минут олдин ичасиз.

***Ёки:***

1,5 қути вазелин ва битта болалар кремини товоқчага сиқиб чиқарасиз. Устига икки ош қошиқ иттиканак дамламасидан қўшиб аралаштирасиз. Оч-сариғиш тусга киргач оқ доғлар устига сурасиз. Агар зарурат туғилса муолажани яна қайтаришингиз мумкин.

**В.Курбонов,**
**Хоразм вилояти,**
**Ургенч шаҳри.**

***- Қурилишда ишлайман. Кун жуда исиб кетганида бурнимдан қон оқади. Баъзан соатлаб тўхтата олмайман. Буни табиий усулда даволаш мумкинми?***

**С.Миркомилов,**
**Тошкент вилояти,**
**Олмалиқ шаҳри.**

Иссиқ ҳавода кўпчиликнинг бурнидан қон оқиши мумкин. Буни тўхтатиш учун ярим пиёла тузнинг устига тўлгунча сув қуйилади. Яхшилаб аралаштиргач, икки бўлак пахтани ботириб, сал сиқиб, бурун тешигига қўйиб, бироз ётиш керак. 3-4 минутдан сўнг буруннинг қонаши таққа тўхтайди.

**Е.Азизов,**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа тумани.**

***- Совуқ тушди дегунча тез-тез грипп касали билан оғрийман. Бунинг олдини олса бўладими?***

**Н.Соҳибова,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Қамаши тумани.**

- Бўлади. Менинг оила аъзоларим қишкировли кунларда грипп билан унча оғримайдилар. Бу касалга йўлиқмаслик учун қишин-ёзин хоналаримиздаги тувакларда бешолтитадан саримсоқлиёз ўстираман. Саримсоқлиёз таркибидаги фитонцидлар ҳар қандай микробларни қириб ташлайди. Агар гриппнинг олдини олишга улгурмасангиз лабингиз ва тишларингиз орасига саримсоқпиёзнинг бўлагини қўйиб, бурнингиз ичига кўк дори (зелёнка) дан суриб қўйинг, тезда тузаласиз.



**Т.Зафарова,**
**Ўрта-Чирчиқ тумани.**

***- Дори ичсам, кўнглим айниб, беҳузур бўламан. Қон босимини дори ичмасдан табиий усулда ҳам тушириш мумкинми?***

**О. Комилова,**
**Андижон вилояти,**
**Андижон шаҳри.**

- Агар уйингизда сут ва озроқ хамиртуруш бўлса, кифоя, дори ичишингизга ҳожат ҳам қолмайди. Бир стакан қайноқ сутга музлатилган хамиртурушнинг учтўртта бўлагини соласиз. Хамиртуруш бўлаклари яхшилаб эриганидан сўнг, аралаштириб ичиб юборасиз. Бу муолажани ҳар беш кунда қайтарсангиз, дори ичишингизга умуман ҳожат қолмайди.

**Ч.Самандарова,**
**Фарғона вилояти,**
**Марғилон шаҳри.**

***- Баъзан баданим қаттиқ қичиша бошлайди. Тери касалликлари шифокорига учрасам, ҳеч қандай касаллик аломатини топмади. Ўтлар билан даволансам бўлармикан?***

**С.Сиддиқова,**
**Қорақалпоғистон Республикаси.**

-Кўп йиллар аввал менда ҳам шундай ҳолат бўлганди. Теримни қичийвериб яра қилиб юборардим. Кейин қайнонам менга малҳам тайёрлаб берди. Шуни сурганимдан буён қичишиш бутунлай тўхтади. Бу малҳамни сиз ҳам тайёрлай оласиз.

Бир шишача йодни беш дона туйилган анальгин хапдорилари устига қуясиз-да, аралаштирасиз. Йод сал рангсизлангач, пахта билан терига сурасиз. Бир-икки марта шу муолажани қайтарсангиз, шифо топасиз.

**П.Муродова,**
**Тошкент вилояти,**
**Чирчиқ шаҳри.**

***Биз қишлоқда яшаймиз. Кўпинча полизимиздаги бодринглар сарғайиб кетади. Эшитишимча, улардан табобатда фойдаланиш мумкин экан?***

**Л.Ортиқова,**
**Наманган вилояти,**
**Чортоқ шаҳри.**

- Сарғайиб, қотиб кетган бодринг уруғларини мен ҳеч қачон ташлаб юбормайман. Уларни ювиб, қуритиб оламан. Уруғлардан тайёрланган аралашма билан танани хилтлардан тозалаш мумкин. Бунинг учун қуритилган уруғларни товада сал қовуриб олиб, устига 1 литр қайноқ сув қуяман. У икки соат турганидан кейин сузиб олиб, овқатлангандан кейин сув ўрнига ичаман. Бу аралашма буйрақдаги тошларни туширади. Муолажани бир йилда бир марта қайтарсангиз кифоя.

**М.Қаландарова,**
**Самарқанд вилояти,**
**Самарқанд шаҳри.**

***- Ҳарбий хизматда эканлигимда замбуруғ касаллигини юқтириб олганман. Баъзан дори-дармонлар ҳам таъсир қилмай қўяди. Табиий усулда даволаш усуллари ҳам борми?***

**Қашқадарё вилояти,**
**Яккабоғ тумани.**

- Ўғлимда ҳам шундай касаллик бор эди. Бир неча йилки касалликдан қутулган. Уни ўзим билган усул билан даволадим. Бу жуда осон ва арзон. Оёқларингиз марганцовка солинган нимпушти рангдаги иссиқ сув тўлдирилган тоғорага 20 минут солиб ўтиринг. Яхшилаб аргач, кейин 3 фоизли перекис билан ювиб устига қалин қилиб пенциллин кукунидан сепинг. Яхшилаб ўраб боғлаб қўйинг. Муолажани уч кун такрорланг. Тузала бошлаганингизни биринчи муолажадан кейинок сезасиз.

**В.Алиназарова,**
**Жиззах вилояти,**
**Зомин тумани.**

***- Юзимда хуснбузар кўп. Бунинг устига баъзилари йиринглаб азоб беради. Алоэ шарбати билан даволаш мумкин экан. Уни қандай қўлласа бўлади?***

**А.Равшанова,**
**Тошкент шаҳри.**

- Агар уйингизда алоэ ўстираётган бўлсангиз жуда соз. Алоэ баргларини узиб олиб, яхшилаб ювасиз-да, қуритиб, қоғоз қутига солиб қўясиз. 12 кундан кейин бу баргларни сиқиб шарбатини оласиз. Икки қават докадан ўтказгач, 2 ҳафта давомида шу алоэ шарбати билан юзингизни артасиз. Мабодо алоэ шарбатини сурганингиздан кейин юз терингиз қуруқшаса, бironта озиқлантирувчи кремдан суринг. Бу муолажадан сўнг юзингиз ойдек тиниқ бўлади.

**З.Авазова,**
**Тошкент вилояти,**
**Чорбоғ қўрғони.**

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

### БОШ ОҒРИҒИ ТЎХТАЙДИ

Бош оғриғини қолдиришнинг энг оддий усули учун ҳеч қандай хапдорилар керак бўлмайди. Халат ёки чит кўйлакнинг белбоғини оласиз. Уни икки учидан озгина қолдириб, пешона ва чакка аралаш сиқиб боғлайсиз. Осилиб турган икки учи билан эса қулоқларингизни сиқиб танғиб қўясиз. Бошингиз қаттиқ сиқилишни сезиши керак. Шу ҳолатда 2-3 минут ўтирганингиздан кейин бош оғриғингиз таққа тўхтайди.

### СОВУҚ БЎҒИНЛАРГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Артрит касаллиги бўғинларда узлуксиз ва кучли оғриқ келтириб чиқариши мумкин. Унинг олдини олиш учун эса бўғинларга муз тўлдирилган халтача қўйилади. 10-15 минутдан кейин эса 10 минут танаффус қилинг. Зарурат туғилганда бу муолажани соатлаб қайтариш мумкин. Музлатилган сабзавотларни оёқ пайи чўзилганда қўйилса моматалоқ бўлишнинг олдини олади.

### БОДРИНГ ВА АСАЛ

Ёз ҳавосида баъзан енгил кийиниб шамоллаб қолиш ҳеч гап эмас. Натижада йўтала бошлайсиз. Дорихонага югуришдан олдин, бодрингдан шарбат тайёрлаб, ичинг. Бодринг шарбати нафас олиш аъзоларидаги шамоллашни тезда даволайди. Бодринг шарбатига бироз асал аралаштириб, кунига 2-3 ош қошиқдан уч маҳал ичсангиз, дарддан тезда фориғ бўласиз.

### ОЁҚЛАРИНГИЗ ТОЛИҚДИМИ?

Оёқлар ҳаддан ташқари толиққанда чарчоқни қолдиришнинг энг яхши усули иссиқ ва совуқ сув билан навбатма- навбат уларни ювишдир. Ёки ванна четига ўтирган ҳолда оқиб турган сувга гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ тутиб туринг. Оёқларингизда чарчоқ йўқолгунча бу муолажани қайтаринг. Агар шундан сўнг уй ишлари билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, муолажани совуқ сув билан агар ухлашга ётмоқчи бўлсангиз унда иссиқ сув билан тугаллашингиз керак.

### АСАБИНГИЗ ЗЎРИҚҚАНМИ?

Агар асабларингиз жойида бўлмасдан, тез-тез қизишиб кетадиган бўлсангиз салатнинг барглари сизга ёрдам беради. Яхшилаб майдаланган салат барглари устига бир стакан қайноқ сув қуйинг. Сўнг совутиб, кунига ярим стакандан кунига уч маҳал ичиб юборинг. Мабодо сизни уйқусизлик қийнайдиган бўлса унда ушбу аралашмадан кечқурун ҳам ичиб ётинг.

### БЎҒИНЛАРИНГИЗ ОҒРИСА...

Кастор ёғи бўшаштирувчи восита ҳисобланади. Йиқилиб тушиб аъзоларингиздан бири жароҳатланган бўлса, ўша жойга дарҳол кастор ёғи суринг. Шунда лат еган жойингиз моматалоқ бўлмайди. Шунингдек, бўғинларингиз оғриган жойга ҳам кастор мойи билан компресс қилинг. Бунинг учун оғриқ жойга кастор мойидан суриб, устига чит ёки сурп матони босиб устидан иссиқ иситгич (грелка) қўйсангиз оғриқни тезда қолдиради.

**Саҳифани Саида ва Гулбашакар тайёрлашди.**

# ШИФОБАХШ САБЗАВОТЛАР



## ҚИЗИЛ ЛАВЛАГИ СОҒЛИК ГАРОВИ

Қизил лавлаги кеч куздан то баҳоргача, яъни янги лавлаги етилгунча ўзидаги дармондориларни сақлай олади. Унинг шарбати билан камқонлик ва жиғилдон қайнашини ҳам даволашган. Мунтазам истеъмол қилинса қон айланиш тизими фаолиятини ҳам яхшилайди.

Қизил лавлагининг барглари ва илдизи ҳам даво бўлиб, таркибида қанд, олма ва шовул кислоталари, С1,В1,В2, РР, йод, темир, натрий, калий, мис бор. Шунингдек, қизил лавлаги овқат ҳазм қилиш фаолиятини ҳам яхшилайди. Семизлик, бавосил, жигар, буйрак касалликлари ва қон босими ошганда шифокорлар қизил лавлагидан кўпроқ истеъмол қилишни маслаҳат берадилар.

Агар уни сабзи ва турп билан аралаштириб ейилса қондаги гемоглобинни оширади. Таркибида йод кўп бўлгани боис, миядаги қон айланишини яхшилаш ва хотира сусайишининг олдини олиш учун кекса кишиларга кўпроқ тавсия этилади.

**Қонда гемоглобин миқдори камайганда ва камқонликда ҳам қўшимча даво сифатида қуйидагича фойдаланилади**:

3/4 стакандан лавлаги, сабзи ва шолғом шарбатини аралаштириб, сирли идишга қуйинг-да, духовкада паст оловда уч соат қуюлтиринг. Сўнг олиб, шиша идишга солиб, оғзини маҳкам беркитиб, музлаткичга қўйинг. Бу аралашмани ҳар куни уч маҳал овқатдан олдин ичинг. Даволаш муддати 10-14 кун.

***Сурункали қабзият ва ичак фаолияти ёмонлашганда:*** ҳар куни эрталаб оч қорингa лавлагидан тайёрланган салат енг. Буни тайёрлаш жуда осон. Унча катта бўлмаган лавлагини пиширib, йирик қирғичдан чиқаринг-да, устига икки ош қошиқ бирорта ўсимлик ёғидан қуйсангиз бас, салат тайёр бўлади.

***Оёқ ва қўллар шишганда***: Шишган жойларга тозалаб, қирғичдан чиқарилган лавлаги ва картошка бўтқасини тенг миқдорда аралаштириб босинг. Бу муолажани аҳволингиз яхшилангунга қадар давом эттиринг.

**Ҳолсизликда:** Бир дона йирик лавлагини қирғичдан чиқариб, шиша банкага солинг. Устидан тўлгунча ароқ қуйинг. Бу аралашма 12 кун илиқ жойда туриши керак. Сўнг сузиб олгач, шарбатини овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичинг. Даволаш муддати 1-2 ҳафта.

***Оёқдаги тож (вена) томирлар кенгайганда:*** Бугланган оёқларингизни қичитқи ўт билан уриб қизартиринг. Ярим соатдан кейин бўртиб чиққан томирларингиз устига асал суринг-да, қизил лавлагининг янги баргларини қўйиб, бинт билан боғланг. Бу муолажани ҳар куни тунда бажаринг. Даволаш муддати- 1 ҳафта.

***Кулокнинг ўрта қисми шамоллаганда (Отит)***: Унча катта бўлмаган лавлагини қирғичдан чиқариб, бир стакан сув ва бир ош қошиқ асал қўшинг. Бу аралашмани ўртача оловда 15 минут қайнатиб олинг. Сўнг яхшилаб сиқиб шарбати оқизилган лавлагини докага ёйиб қулоғингизга босинг. Устидан жун рўмол билан боғланг. Бу муолажани кунига бир-икки марта, 20 минутдан қайтаринг. Даволаш муддати соғайгунча.

***Кучли йўталда***: Бир дона каттароқ лавлагини арчиб, ўртасидан ковак очинг-да, шакар билан тўлдириб, духовкага қўйинг. Ажралиб чиққан қуюқ шарбатни кун давомида оз-оздан ичиб юринг.

***Кўкрак безлари шишиб-қаттиқлашганда***: Қўшимча даво сифатида уч ош қошиқ майда қирғичдан чиқарилган лавлаги устига бир ош қошиқ асал қўшинг. Аралашмани карам баргига суриб, кўкрагингизга босинг. Бу муолажани тунда бажарсангиз фойда беради. Бир ҳафта муолажа қилиб- бир ҳафта танаффус қилишингиз керак.

***Буйрак тошини йўқотишда:*** 3 дона йирик лавлагини кесиб, 2 стакан сув солинган идишда аралашманинг ярми қолгунча қайнатинг. Сузиб олиб, 1/4 стакандан уч маҳал, овқатгача ичинг. Муолажани бир йилда уч-тўрт марта уч ҳафтадан давом эттиринг.

***Қон босими ошганда:*** Бир килограмм лавлагини бўлакларга бўлинг, уч литрли банкага солиб, устига 2 литр сув қуйинг-да, қоронғи жойда 4-5 кун сақланг. Кунига уч-тўрт маҳал 1/2 стакандан ичинг. Даволаш муддати 7-10 кун.

***Узоқ вақт битмайдиган яра ва товон ёрилганда***: Янги лавлагини майда қирғичдан чиқариб, икки букланган докага суринг-да, ярага босиб, устидан дока билан яхшилаб боғланг. Ушбу боғламани бир кунда икки маҳал, 40-60 минутдан тақорланг. Бутунлай соғайиб кетгунча муолажани қайтаринг.

***Тери касалликлари ва тошмаларда***: Лавлагининг янги узилган барглари устига қайноқ сув қуйиб, сўнг зарарланган тери устига боғланг. Тери бутунлай тузалгунча муолажани давом эттиринг.

***Диққат! Янги сиқиб олинган лавлаги шарбати халқумни куйдириб юбориши мумкин. Шунинг учун сиқиб олинган шарбатни 2-3 соатдан кейин ичиш мумкин. Шунингдек, ҳар гал фақат бир дона унча катта бўлмаган лавлагидан ейиш мумкин.***

## САБЗИ - САБЗАВОТЛАР МАЛИКАСИ!

А дармондориси сабзида бошқа сабзавотлардагидан кўра кўпроқдир. У юракни соғломлаштиради, қонни тозалайди, буйрак ва жигар ишини меъёрлаштиради. Тери қатламини яхши сақлаб, юз терисини тиниқлаштиради.

Бундан ташқари сабзи таркибида жуда кўп миқдордаги калий, темир, кальций, фосфор, В1, В2, В9, С, Д,Е, К, РР дармондорилари бор. Халқона табобатда сабзи билан узоқ битмайдиган ошқозон яраларини даволашган. Цистит, буйрак касаллигида эса унинг шарбатини ичишган.

Таркибида калий кўп бўлгани учун сабзи юрак-томир хасталикларини даволашда ҳам фойдаланилади. Юрак хуружи (инфаркт миокарди), бор беморларга албатта сабзи шарбатидан ичиш тавсия этилади. Унинг таркибидаги маъданли моддалар ёш болалар танасини мустаҳкамлаб, ўсиши учун ёрдам беради. Кўз нури хиралашганда ва камқонликда сабзидан кўпроқ ейиш керак.

Сабзи шарбати буйрак ва ўт қопидаги тошларни туширади. Сабзининг пояси, илдизидан тортиб уруғигача фойдалидир.

***Аллергияда:*** 3-4 дона сабзи, 2 дона олма, бир боғ петрушка, 2 бўлак гулкарамдан тайёрланган шарбатни кунига 1/2 стакан, овқатланишдан ярим соат олдин ичинг. Даволаш муддати 10-14 кун.

***Дармонсизликда***: 3 ош қошиқдан қуритилган сабзи, наъматак меваси, бир неча дона қичитқи ўт (крапива) ва қора смородина баргларини яхшилаб аралаштиринг. Шу аралашмадан икки ош қошиғини олиб устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, 30 минут дамлаб қўйинг. Бу дармондорили чойдан кунига уч-тўрт маҳал, овқатдан олдин бир стакандан ичилади.

***Зиқнафасда (Бронхиал астма):*** Нафас қисиши хуружини тўхтатиш учун 1/2 стакан янги сиқиб олинган сабзи шарбати ва сутни аралаштириб эрталаб, оч қорингa ичинг.

***Камқонлик ва кўз нурини тиклашда***: Эрталаб ва кечқурун 1/2 стакандан сабзи шарбати ичинг. Даволаш муддати бир ҳафта.

***Ҳуснбузар тошганда ва терини тозалашда:*** 0,5 килограмм сабзини қирғичдан чиқариб, 1/4 стакан қайнатилган илиқ сув билан аралаштириб, устига қопқоқ ёпиб, икки соат музлаткичга қўйинг.

Сўнг бир ош қошиқ лимон шарбати ва таъбга қараб асал аралаштиринг. Бу аралашмани 1-2 ҳафта давомида ичишингиз мумкин.

***Шамоллаганда:*** Бир стакан сабзи шарбатига бир чой қошиқ асал ва бир ош қошиқ ўсимлик ёғидан аралаштириб кунига 1/2 стакандан, уч-тўрт маҳалдан ичинг. Бутунлай тузалиб кетгунча ушбу муолажани давом эттиринг.

***Йўталда:*** 1/2 стакан янги сиқиб олинган сабзи шарбатига бир ош қошиқ асал аралаштириб, кунига бир ош қошиқдан уч-тўрт маҳал ичинг. ***Ёки:*** 0,5 литр сабзи шарбатига 1/4 стакан шакарни солиб, паст оловда аралаштириб турган ҳолда 15 минут қайнатинг. Бу қуюқ сабзи шарбатини кунига 3-4 ош қошиқдан енг. Уни музлаткичда уч кун сақлаш мумкин. Муолажани бутунлай тузалиб кетгунча давом эттиринг.

***Томоқ оғриғида (ангина)***: 3 ош қошиқ сабзининг қуюқ шарбатини (айнан юқорида айтилганидек тайёрлаб), 1/2 стакан қайнатилган илиқ сув билан қўшиб, томоғингизни кунига уч-тўрт маҳалдан чайинг. Муолажани тузалгунча давом эттирасиз.

***Уйқусизликда:*** уйқуга ётишдан олдин сабзи поясини чаккангизга босиб, рўмол билан боғлаб қўйинг.

***Нефрит ва неврозда:*** қўшимча даво сифатида қуйидагиларни қилишингиз мумкин. Уч дона сабзини майда қирғичдан чиқариб, уч қошиғини оласиз. Устига 3 стакан қайноқ сув қуясиз. Бу аралашма тун бўйи турганидан кейин сузиб, кунига 2/3 стакандан 3-5 маҳал овқатланишдан олдин ичасиз.

***Буйрак тошини туширишда:*** Қўшимча даво сифатида бир ош қошиқ сабзи уруғи устига бир стакан қайнатилган сув қуйиб, ўраб қўясиз. У 12 соат туриши керак. Бу аралашмани кун бўйи ичасиз. Даволаш муддати 10-14 кун. Зарурат туғилса муолажани яна қайтариш мумкин.

***Оёқдаги тож (вена) томирлари кенгайганда:*** Уйқудан олдин зарарланган жойларга эзилган сабзи поясини боғланг.

***Циститда:*** Янги узилган ва майдалаб кесилган сабзи пояси устига 0,5 литр қайноқ сув қуйинг. 40-60 минут турганидан кейин сузиб овқатланишдан ярим соат олдин кунига 3-4 маҳалдан ичинг. Ёки: бир стакан сабзи шарбатига бир ош қошиқ асал аралаштириб 1/2 стакандан ичинг.

***Простатитда:*** Ҳар куни эрталаб ва кечқурун қориннинг пастига 30-40 минут давомида эзилган сабзи пояларидан боғлаб қўйинг.

***Бавосилда:*** Бир стакан миқдоридаги майдалаб кесилган сабзи поялари устига 1,5-2 литр қайноқ сув қуйинг. 20-30 минут дамлаб қўйганингиздан кейин бу дамламани кун бўйи ичиб юринг.

***Ошқозон яраси, ошқозонда кислоталилик ошиб кетганда***: Ҳар куни эрталаб оч қорингa 1/2 стакан янги сиқиб олинган сабзи шарбатидан ичинг. Бу муолажани бир йилда 2-3 марта такрорласангиз бўлади.

***Қабзиятда:*** сабзи уруғини туйиб, устига 1/2 стакан илиқ сув қуйинг. Овқатланишдан бир соат олдин уч-тўрт маҳал истеъмол қилинг. Даволаш муддати 1-2 кун.

***Терининг унча катта бўлмаган қуёшдан куйишида:*** Сабзини майда қирғичдан чиқариб, бир дона кўпиртирилган тухум оқи қўшиб яхшилаб аралаштиринг. Аралашмани куйган терига суриб устидан боғланг. Бу боғламани кунига бир икки марта 20 минут қўйишингиз мумкин! Даволаш муддати тузалгунча.

***Диққат! Сабзининг янги сиқиб олинган шарбати ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, энтерит, қандли диабетнинг ўткир кўриниши билан оғриган беморларга тавсия этилмайди. Қирғичдан чиқарилган сабзини ўсимлик мойи ёки қаймоқ билан аралаштириб истеъмол қилиш мумкин.***

(Давоми бор)

Басира тайёрлади.

**Табобат ҳикмати**

***Сабзавотлар орасида сабзи билан қизил лавлагининг алоҳида ўрни бўлиб, бу сабзавотлар инсон танасини тетиклаштиради, қувватини сақлайди, вазн ортиб кетишига йўл қўймаган ҳолда тўқ тутиб, гўзаллик ҳам бахш этади.***

# САНЪАТГА ШАЙДО КЎНГИЛ

Хизмат сафари билан бир гал Навоий шаҳрига борганимизда, бир баобрў кишининг тўйида қатнашишга тўғри келди. Файзли тўйхонада икки ёшга эзгу тилаклар билдирилмоқда, хонандалар ўзларининг энг сара қўшиқларини куйлашмоқда. Хуллас, тўй жуда файзли ўтмоқда.

Бир пайт даврани олиб борувчи Нодирхон исмли йигитга сўз берди.Йигит келин-куёвларни жуда самимий табриклаганидан сўнг, бир жуфт қўшиқ ҳам айтиб беришини давра раиси илтимос қилиб қолди. Шунда Нодирхон қўлига торни олди.

***"Карвон кўрдим туялари бўзлаб келар,***
***Мани ёрим нортуяда излаб келар..."***

Вағур-вуғур бўлиб турган тўйхона бирдан сув сепгандек жим бўлди. Жозибали овоз ҳаммани сеҳрлади гўё. 8-10 та қўшиқ айтди ҳамки, олқиш устига олқиш... Қўшиқ тинглаб ўтириб, бир нарсага амин бўлдимки, халқ ширали овозли санъаткорини, яхши кўраркан.

Нодирхон Пайзиматов севимли устози Шерали Жўраев билан бирор марта учрашмаган бўлса ҳам, лекин ўзини унинг шогирди деб билади.

Нодирхон шу кунларда ўзи куй басталаб, янги қўшиқлар ёзмоқда. Қўқонда туғилиб ўсган, ҳозир Навоий шаҳрида яшаб, ижод қилаётган Нодирхон Пайзиматов 20 га яқин сара шеърлардан жамлаб, ўзи мусиқа ёзмоқда. Орзуси санъат чаманида ўз йўлини топиш. Орзуга айб йўқ дейдилар. Бухорода, Навоий вилояти ва Қўқонда танилиб улгурган, булбулнафас овозига ва созига тобора мухлисларни ром этаётган, Нодирхон Пайзиматовга шеърий оҳангларда шундай дегимиз келди:

***Тинмасин ҳеч қўлингда торинг,***
***Булбул келсин, булбул ортидан.***
***Нодирбекхон, Аллоҳ паноҳинг,***
***Айрилма ҳеч санъат бахтидан...***

**Улуғбек РАҲИМОВ,**
**Шамсиддин САДОИЙ.**

---

"Интилиш - муваффақият онасидир", деган шиорга амал қилишга ҳаракат қиламан. Дўстликни қадрлайман ва улар сафи кенгайишини истайман.

**Орзу Исроилова,**
**Фарғона вилояти,**
**Қирқгули тумани,**
**Тургенев кўчаси,**
**92-уй, 42-хонадон.**

---

1989 йил таваллуд топганман. Ҳаётда ҳамма нарсадан ҳам дўстликни устун қўяман. Кўнгилга яқин дўстлар, мактубларингизни кутаман.

**Мавлуда Бойчаева,**
**Самарқанд вилояти,**
**Нуробод тумани,**
**Жом маҳалла,**
**индекс: 704343.**

---

1985 йил туғилганман. Ишлайман, бўш вақтларимни уй юмушлари билан ўтказаман. Дўст ва дугоналар! Хатларингизни кутиб қоламан.

**Гулноза Маҳмудова,**
**Тошкент вилояти,**
**Чирчиқ шаҳри,**
**Юмалоқ маҳалласи,**
**Рамазон кўчаси, 14-уй.**

---

Мен 1983 йил таваллуд топганман. Азиз опасингиллар! Сизлардан келган ҳар бир хат қалбимга, шеърларимга илҳом бағишлайди, дея умид қиламан.

**Баҳодир Мирзо,**
**Наманган вилояти,**
**Тўрақўрғон шаҳри-1,**
**Тошкент МФЙ,**
**Косонсой кўча, 23-уй.**

---

1981 йилда туғилганман. Касбим тикувчи. Дунёқараши кенг, ҳар нарсага қизиқувчан йигит-қизлар билан танишиш ва хатлар ёзишиб туришни истайман.

**Насиба Набиева,**
**Бухоро шаҳри,**
**Пайравий кўчаси,**
**26-уй, Инд: 705000**

---

Ёшим 17да. Компьютер курсини тамомлаганман. Мен билан дўстлашмоқчи бўлган барча йигит ва қизларнинг мактубларини интизорлик билан кутиб қоламан.

**Фотима Тўхлибоева,**
**Самарқанд вилояти,**
**"Мингчинор" ш/х**
**"Қоракамар" қишлоғи**
**инд: 704536**

---

## ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

*Аёл шундай: баъзан бир нигоҳ,*
*Етар жонга ўт қўймоқ учун.*
*Балки ўшал мужгонлар атай*
*Яралгандир куйдирмоқ учун.*

*Ана шунда куйлаб юборар,*
*Оёқларинг остида тупроқ.*
*Чап кўксингда отўйин бошлар*
*Кулча бўлиб тинч ётган титроқ.*

*Зеро, бундай ёруғ қайғуни*
*Бир кўнгилга сиғдирмоқ қийин.*
*Дарахтгами, қушгами буни*
*Чидолмасдан айтасан кейин.*

*Аёл... менинг илоҳам, моҳим,*
*Вужудимда тезоқар қоним.*
*Минг йиллик май ичган майхўрдек,*
*Ёнаётир бу қадим жоним...*

* * *

*Умр учар қушдай ўтаверади,*
*Баъзида дил бехун, баъзида ғашроқ,*
*Кўксингни гажийди алланималар,*
*Соғинчга ўхшашроқ, ғамга ўхшашроқ.*
*Ҳаёт гулмих аро қантарилган от,*
*Кимлар бу бедовда даврон сурмаган.*
*Минг йиллар ўтса-да, Одам наслидан,*
*Ҳеч ким бу тулпорга кишан урмаган...*

* * *

*Хазон фасли кўнгилга тегди,*
*Атроф туссиз, рангпар ва намгин.*
*Кўндан буён кириб чиқади,*
*Тушларимга бир малак ғамгин.*

*Қўй қийнама, бу андуҳларга,*
*Энди ортиқ умримиз етмас.*
*Иккимизни қўшмади тақдир,*
*Хазон фасли юракдан кетмас...*

* * *

*Сенсиз қаро бўлди бу кеча,*
*Ёмғир ёғар эзгин, майдалаб.*
*Кел қўй энди, қўйгил сабилдан,*
*Кўнгил бўлди яна майталаб.*

*Деразага осилар шамол,*
*Ёмғир ёғар, ёмғир изтироб.*
*...Ё тугайди май тўла шиша,*
*Ё ишқ мени қилади хароб...*

* * *

*Мен унутдим гуллар исини,*
*Ёддан чиқди севинч ранглари.*
*Алёр айтиб узатди сени,*
*Маҳалланинг ёш яланглари.*

*Фасллардан рангларни тўкиб*
*Ўтган йиллар хобдаги тушча.*
*Қайлардадир бўзлайди энди,*
*Паноҳимга интилган қушча...*

* * *

*Шамол, бош қўйдингми оромга,*
*Куйлаб бўлдингизми қамишлар.*
*Юрак, чарчадингми зарблардан,*
*Кўнгил, қайда қолди ёнишлар.*

*Омад эшигини чертиб ўтар бахт,*
*Йиллар ёш умрингга илар боғичлар.*
*Паймонанг тўлгунча энди қийнайди,*
*Тақдир манглайингга битган соғинчлар.*

* * *

*Мен севаман:*
*шарқираган сой оҳангини,*
*келаётган баҳор рангини,*
*ва қизларнинг хушнуд лабида*
*кулгуларнинг шўх жарангини.*
*Нозиккина бўйи - бастидан,*
*енгилгина кўйлак остидан,*
*самбитдайин қоматларини*
*қизлар ўтса намойиш қилиб,*
*мен қалбимни қовундай тилиб,*
*иргитаман осмонга ой деб,*
*гўзалликни оламга ёй, деб,*
*ва дунёни севиб қайтадан,*
*Ҳофиз каби қўшиқ айтаман...*



* * *

*Севинчинг зорга айлансин,*
*Сочларинг торга айлансин,*
*Ёмғиринг қорга айлансин,*
*Агар қаддимни ё қилсанг.*

*Ўйларинг бемакон бўлсин,*
*Босар йўлинг тикон бўлсин,*
*Қаро кўзинг забун бўлсин,*
*Ўзгани дилга жо қилсанг.*
*Сочингнинг торлари толим,*
*Умрнинг дорлари золим,*
*Бадан атторлари ҳолим*
*Кўриб кулса, садо қилсанг...*

*Муҳаббат ўтли достондир,*
*Адашмоқ унда осондир,*
*Самарқанд ё Хуросондур -*
*Кезай ғарчи гадо қилсанг.*

* * *

*Бу дунё рафтори бозор,*
*Чархи кажрафтори бозор,*
*Замоннинг атвори бозор*
*Умр савдога ўхшайди.*

*Мудом кўкка тикилсанг ҳам,*
*Магар ерга эгилсанг ҳам,*
*Фалакдан гар йиқилсанг ҳам*
*Ажаб гавғога ўхшайди.*

*Ҳумо янглиғ қуши бирлан,*
*Ажаб турлук иши бирлан,*
*Бу дунё лаш-луши бирлан*
*Санга савдога ўхшайди.*

*Ул хиром айлаган дилбар,*
*Эҳтиром айлаган дилбар,*
*Дилни ром айлаган дилбар*
*Ажаб жононга ўхшайди.*

*ЯЛЛА*

*Боқса қоши қаросидан,*
*Тийри мужгон аросидан,*
*Икки кўзи чаросидан*
*Кўнгил розланди-розланди,*
*У гул нозланди-нозланди.*

*Сиргалари товланади,*
*Кокиллари солланади,*
*Ой юзлари олланади,*
*Кўнгил розланди-розланди,*
*У гул нозланди-нозланди.*

*Ман-да хумор, сан-да хумор,*
*Босган изи бўлди тумор,*
*Хипча бели, инжа узор,*
*Кўнгил розланди-розланди,*
*У гул нозланди-нозланди.*

*Лабинда ҳинду холи бор,*
*Тилинда қанду боли бор,*
*Каминанинг на ҳоли бор?*
*Кўнгил розланди-розланди,*
*У гул нозланди-нозланди.*

***НУРУЛЛО ОСТОН,***
*Самарқанд шаҳри.*

---

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 836. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 12108
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — М. ШУКУРОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5